

Ур

Боқий фикр
Мўмин кишининг
яхши нияти
қилган амалидан
ҳам афзалдир.

Ҳадис



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2016-yil 6-iyul, chorshanba № 54 (8911)



Янги университетга яхши ният билан

Шу кунларда Республикамиздаги қайси олий ўқув юртида бўлсангиз, одатдагидан ўзгачароқ бир гавжумлик, серфайз манзаранинг гувоҳи бўласиз. Дарҳақиқат, абитуриентлар орзиқиб кутаётган тест синовлари ўтказиладиган кун — 1 август тобора яқинлашмоқда.

Президентимиз фармонига кўра жорий йилда ташкил этилган янги олий таълим муассасаси — Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида ҳам навбатдаги ўқув йили учун абитуриентлардан ҳужжат қабул қилиш жараёни қизгин давом этапти.

Abituriyent — 2016

— Бу ерда янги университетда таълим олиш учун яхши ният билан қадам қўйган ёшлар илиқ кутиб олинаяпти, — дейди Наманган вилояти Норин туманидан келган абитуриент Ирода Мамиталиева. — Қабул комис-

сияси аъзолари, маслаҳатчилар йигит-қизларнинг ҳар қандай саволларига бафуржа жавоб бериб, уларни ҳужжатларни электрон қабул қилиш хонасига йўллашмоқда. Жараён тугагач, абитуриентга ҳужжат қабул қилингани тўғрисидаги тилхат(унинг юқори қисмига консультация бўладиган сана ҳамда иккинчи варағига абитуриентнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ёзиб қўйилган) берилади. Мухими, ҳужжатларимни топширишим учун унча кўп вақт сарфламадим.

(Давоми 2-бетда.)

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Муборак Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов номига хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, муваффақиятлар, Ўзбекистон халқиға тинчлик-хотиржамлик, равнақ ва фаровонлик тилаб, эзгу истаклар билдирилган.

Жумладан:

Кувайт Давлати Амири **Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ;**

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён;**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими **Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум;**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош қўмондони ўринбосари, Абу Даби Амирлиги валиаҳди **Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён;**

Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, ички ишлар вазири **Шайх Сайф бин Зоид Ол Наҳаён;**

Туркия Республикаси Президенти **Ражаб Таййиб Эрдўган;**

Туркманистон Президенти **Гурбангули Бердимухамедов;**

Тожикистон Республикаси Президентини **Имомали Раҳмон;**

Афғонистон Ислоҳ Республикаси Президенти **Муҳаммад Ашраф Ғани;**

Бангладеш Халқ Республикаси Президенти **Абдул Ҳамид;**

Сингапур Республикаси Президенти **Тони Тан Кенг Ям;**

Сингапур Республикаси Бош вазири **Ли Сян Лун;**

Ислоҳ ҳамкорлиги ташкилоти Бош котиби **Ияд бин Амин Маданий** ўз табрикларини йўллаганлар.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ УЧУН ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида битирувчиларга диплом топшириш маросими бўлди.

Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, элчихоналар ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Академия ректори М.Алиев ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида барча соҳаларни модернизация қилишга қаратилган изчил ислохотлар жараёнида давлат бошқаруви соҳасида замонавий кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга алоҳида

эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси бу борада таянч таълим муассасасидир. Ушбу даргоҳда давлат ҳокимияти ва бошқаруви демократлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, иқтисодиётни бошқариш тизимини либераллаштиришга йўналтирилган ислохотларни амалга оширишга қодир етук кадр-

лар тайёрланмоқда. Академияда таълим халқаро таълим стандартларига мувофиқ, замонавий ахборот-коммуникация ва инновация технологиялари асосида олиб бориламоқда.

Президентимиз ташаббуси билан 2014 йили академия бизнеси замонавий меъморлик ва технология талабларига мувофиқ реконструкция қилинди. Аудиториялар, конференция заллари барча зарур замонавий ускуналар, ахборот-коммуникация, телекоммуникация воситалари ва технологиялари билан жиҳозланди.

(Давоми 2-бетда.)

7-бет
8-9-бетлар
11-бет

Маҳалладаги мактаб
унинг узоқдаги таълим муассасасидан афзаллиги нимада?

Bilimlar bellashuvining respublika bosqichi g'oliblari

Рамазон шукронаси ва шуқуҳи!

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ УЧУН ЗАМОНАВИЙ КАДРЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ахборот-ресурс маркази давлат ва жамият бошқаруви масалаларига бағишланган ўқув, илмий ва методик адабиётлар билан таъминланди. Ўқув биноси ва ётоқхона қўлай мебель, ўқув қуроллари, компьютерлар билан жиҳозланди, интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти кенгайтирилди.

Академияга олий маълумотли, давлат ва жамият бошқаруви тизимида икки йилдан кам бўлмаган иш тажрибасига эга номзодлар танлов асосида қабул қилинмоқда.

— Ўқув даргоҳимиз АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Жанубий Корея, Сингапур каби қатор давлатларнинг илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, шунингдек, БМТ, ОТБ, ЕХТ каби халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатган, — дейди академия ўқитувчиси Моҳира Эшонова. — Ўқитувчилар, ходимлар ва тингловчиларнинг ҳам назарий билимини, ҳам амалий кўникмасини такомиллаштириш мақсадида улар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, олий таълим ва илмий муассасаларга, жумладан, хорижий мамлакатлар-

нинг илмий муассасаларига амалиёт ўташга юборилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 20 августдаги фармони асосида академияда таълим сифати тубдан яхшиланди, ўқув-техник база янада такомиллаштирилди. Давлат бошқаруви мутахассислигининг "Иқтисодий соҳа менежменти", "Ижтимоий соҳа менежменти" ва "Худудлар менежменти" ихтисосликлари бўйича магистрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Академияни бу йил мазкур йўналишлар бўйича 82 нафар тингловчи тамомлади.

— Икки йиллик таҳсил давомида давлат тузилиши ва бошқаруви, фуқаролик жамияти асослари, ўзини ўзи бошқаришнинг шакл ва усуллари, менежмент назарияси ва амалиёти, бошқарувда ахборот-коммуникация технологиялари ва "электрон ҳукумат" тизимидан фойдаланиш, бошқарув социологияси ва психологияси бўйича билимимизни бойитдик, — дейди академия битирувчиси Шаҳобиддин Мусаев. — Ўқиш давомида Жанубий Корея ривожлантириш институтида бўлиб, халқаро тажриба ўргандим, малака оширдим. Академияда англис

тилини пухта ўргандим. Магистрлик диссертациямни ҳам англис тилида ёзиб, ҳимоя қилдим. Биз, ёшларга доимий эътибори ва гамхўрлиги, юксак ишончи учун Президентимиздан миннатдормиз. Келажакда Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигига ҳисса қўшиб, бу ишончни оқлаш учун бор билим ва тажрибамизни ишга сола-

масимиз. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов сўзга чиқди.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎЗА мухбири



Эътироф масъулият юклайди

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — маҳалла давлат миқёсида қўйилаётган вазифалар ихросига катта ҳисса қўшаётган бир пайтда, уларнинг нуфузи ва обрў-эътиборини оширишга хизмат қилувчи тадбирларнинг ўтказилиши эътиборга моликдир. Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида ана шу мақсадга йўналтирилган "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ана шу йирик тадбирни ўтказиб, туман ва вилоят босқичларида ҳар томонлама ибратли фаолият кўрсатаётган маҳалла маслаҳатчиларини сараламоқда. Тошкент шаҳридаги мавжуд маҳалла фуқаролар йиғинларида катта ҳаётий тажрибага эга бўлган 505 нафар маслаҳатчи асрий анъана ва қадриятларимизнинг мазмун-моҳиятини маҳалла аҳли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларга тарғиб-ташвиқ этиб келмоқда. Улар орасидан саралаб олинган 11 нафар маслаҳатчи кўрик-танлов низомида белгиланган шартлар бўйича ўзаро баҳс юритиб, ўз ҳудудларида вояга етмаганларни назоратда олиш, қиз болани мустақил ҳаётга тайёрлашда "Ораста қизлар" клубини жонлантириш, эрта никоҳнинг олдини олиш, "Маҳалла посбони" жа-

моатчилик тузилмаси билан ҳамкорликда хонадонлар осойишталигини таъминлаш, тўй-маъракаларни ихчам, камҳар қилиб ўтказиш, тадбиркорликни кенг қулоч ёйдириш каби 11 йўналиш бўйича олиб борилаётган ишлар тақдимотини намойиш этдилар.

Танлов ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг "чиғирик"ларидан юқори балл билан ўтган Шайхонтоҳур туманидаги "Янги Белтепа" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Феруза Раҳматуллаева мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

— Маҳалла аҳли билан кенг қамровли иш олиб борадиган маслаҳатчининг сиёсий, ҳуқуқий билими етарли бўлиши, мураккаб вазиятларда оқилона қарор қабул қила олиши керак. Шу жиҳатдан олганда, кўрик-танлов биз, маслаҳатчиларга тажриба мактаби вазифасини ўтамоқда. Шаҳар миқёсида 11 нафар маслаҳатчи ўз тақдимотини намойиш этган бўлса, ҳар бирини ўқшаш ва фарқли жиҳатлар бор. "Хотин-қизлар ва вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш" мавзусидаги тақдимотим маъқул топилиб, биринчи ўринга сазовор бўлдим. Хотин-қизлар фаоллигини ошириш, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни камайтириш борасида олиб бораётган ишларим эътироф этилгани менга янада катта масъулият юклайди, — дейди танлов голиби Ф.Раҳматуллаева.

Хулқар ТҶИМАНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Э.ШАМСИДИНОВ (ЎЗА) олган сурат.

Халқаро ҳамкорлик истиқболлари

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида докторлик таълими сифатини оширишга бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Европа иттифоқининг "Темпус" дастури доирасидаги UZDOC лойиҳаси асосида ташкил этилган тадбирда юртимиздаги қўллаб олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ҳамда Италия, Испания, Греция, Хорватия, Словакия давлатларининг нуфузли университетлари мутахассислари иштирок этди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ректори Б.Сайфуллаев, Европа иттифоқининг мамлакатимиздаги делегацияси раҳбари Ю.Штерк ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури малакали кадрлар тайёрлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 12 июндаги "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбир-

лари тўғрисида"ги фармони соҳа ривожини янги босқичга қўтарди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида "Темпус" ва "Эразмус Мундус" халқаро таълим дастурлари доирасида профессор-ўқитувчиларнинг касб тайёргарлигини ошириш, олий таълимда бошқарув маҳоратини ривожлантириш, ўқув дастурларини такомиллаштириш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Конференцияда юқори малакали кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш йўллари, замонавий таълим технологияларининг таълим сифатини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти, битирувчиларни иш билан таъминлаш каби масалалар юзасидан фикр алмашилди. Олий таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик доирасида амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифалар муҳокама қилинди.

А.ҚИЁСОВА,
ЎЗА мухбири

Фаоллар фикр алмашди

Ўзбекистон тарихи давлат музейида Ўзбекистон Халқ демократик партияси мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб "Мустақиллигимиз абадий бўлсин!" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, партия фаоллари, актёрлар, шоир ва ёзувчилар, ёшлар иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудоффа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Р.Комилов, партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ҳ.Бобохонов, Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори Ж.Исмоилова ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида барча соҳаларда амалга оширилаётган изчил ислохотлар халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Партия томонидан ёшлар орасида «Ватанимнинг гуллаб-яшнаши учун мен нима қилдим?», «Мен мамлакатимда тинчликни таъминлайман», «Тинчлик ва хавфсизлик учун бирга курашамиз!» шиори остида акциялар, «Мустақиллик — юртимиз ободлиги, турмушимиз фаровонлиги, халқимиз бахту саодатининг кафолатидир» мавзусида тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Давра суҳбатиде ушбу тадбирларни кўтаринки руҳда ўтказиш, Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан фикр алмашилди.

А.ҚИЁСОВА,
ЎЗА мухбири

Янги университетга яхши ният билан

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Университетимизга 3та йўналиш — “Ўзбек тили ва адабиёти”га 80(40та давлат гранти, 40та тўлов шартнома), “Филология ва тилларни ўқитиш (Ўзбек тили)га 120(60та давлат гранти, 60та тўлов шартнома), “Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти” таълим йўналишига 100(50та давлат гранти, 50та тўлов шартнома нафар,

жами 300 нафар талаба қабул қилиш режалаштирилган, — дейди олий таълим муассасаси қабул комиссияси масъул котиби Абдулҳай Собирова. — Қабулдаги муҳим янгиликлардан бири ўқув даргоҳимизнинг “Ўзбек тили ва адабиёти” ҳамда “Филология ва тилларни ўқитиш (Ўзбек тили)” таълим йўналишида ўқиш истагини билдирган ёшлар даставвал ижодий имтиҳондан ўтишади, яъни уларнинг ёзма саводхонлиги синовдан ўтказилади. Сўнгра улар 1 август куни бўлиб ўтадиган тест синовларида билимдонлигини намоён этишади.

Айтиш жоизки, янги университетда бу йилги қабулни муваффақиятли ўтказиш учун энг фидойи профессор-ўқитувчилар, техник ходимлар, илгор талабалар жалб этилган. Улар томонидан тайёрланган буклетларда тест синовлари ўтказиладиган бинолар чизмаси чизилди, ҳатто у ерга борадиган транспорт воситалари рақамларига ча



Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар

қайд этиб қўйилган. Бу каби ташкилий ишлар абитуриентлар учун қулайлик яратди.

— Янги университетнинг «Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти» таълим йўналишига ҳужжат топширдим, — дейди Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидан келган абитуриент Бахтиёр Комиллов. — Келажакда моҳир таржимон бўлиб етишиш,

адабиётимизнинг энг сара намуналарини инглиз тилига таржима қилиш ниятидаман.

Бахтиёр каби ҳар томонлама баркамолликка интилаётган ёшларга «Эзгу ниятингизга етинг, билимингиз намоён этинг!», деб қоламиз.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, «Ma'rifat» мухбири



— Дадаси, ўғлимиз қоллежи тамомлади, қайси ўқишга киритсан экан?

— Ҳа, нима деппти? — Йўл қурувчи бўламан, — дейди.

— Ни-ма-а-а, қурувчиликка бало борми? Ёзининг жазирама, кишининг қаҳратонида сарсон-саргардон юрадимми?

— Йўл қурилиши, замонавий кўприкларнинг бунёд этилишини кўриб, шу касбга меҳр қўйибди.

— Бекор айтибди. Ҳужжатларини юридик университетга топширсин. Қурувчининг эмас, юристининг отасиман деб, кўкрак кериб юраман...

Таассуфки, она-оналар фарзандининг қизиқиш ва қобилиятига эътибор бермай улар улғайганидан сўнг ўзлари хоҳлаган касб-хунарга йўналтириш ҳақида бош қотирадиган бундай ҳолатлар учраб туради.

Ёз кунларининг бирида қишлоқдан меҳмон келди. Ота-она қизини “Болам яхшироқ ўқув курсида тайёрлансин”, дея пойтахтга етаклабди. Қариндошларимиз билан анча гурунглашдик. Шу нарса аён бўлдики, абитуриент дивайнерликка қизиқади, аммо ота-она фарзандининг шифокор бўлишини истади.

— Қизимнинг тиббиёт академиясида таҳсил олиши учун ҳар қанча харажатга тайёрман, ўқишга кирса бўлди, — деди отаси.

— Қизингизнинг шифокор бўлишига унчалик хоҳиши йўқ шекилли, дизайнликка қизиқар экан, — дедим уларнинг фикрини ўзгартириш учун.

— Э-э-э, ёшлар нималарни оруз қилмайди, келажакни ўйлаш керак, келажакни! — деди ота қатъий оҳангда.

— Бошқа соҳа бўлса, амаллаш мумкин. Аммо шифокорлик одам ҳаёти, саломатлиги билан боғлиқ касб. Уқолини кўрсатқандан кейин одам беморни даволай оладими? Ёшларнинг қизиқиш ва қобилиятига қараб касб-хунарга йўналтирган маъқул, — дея меҳмоннинг фикрига қарши чикдим.

Хуллас, анча фикр-мулоҳаза, таъбир жоиз бўлса, тор-

тишувдан кейин абитуриентнинг ҳужжатларини Камолитдин Бехзод номидagi Миллий рассомлик ва дизайн институтига топширадиган бўлди. Орузининг ушалаётганидан севинган абитуриент тест синовларигача кунт билан, астойдил тайёргарлик кўрди. Интилиш ва изланиши бесамар кетмади. У талаба бўлиш бахтига эришди. Айни пайтда ўша қиз катта гўзаллик салонини бошқарипти. Унинг хизматидан аҳоли, айниқса, хотин-қизлар жуда мамнун.

Ўз касбини севган киши муваффақиятга эришаверади. Янглишиб касб танлаган кишининг ишида унум йўқ, на ўзига, на ўзгага фойдаси тегади.

— Акам ҳуқуқшуносликка қизиқар эди, — дейди қаш-

Фикримни соддароқ тушунтирсам. Тўрт йил журналистика факультетига ўқиб, хабар ёзолмайдиган кадрни ҳеч қайси тахририят ишга олмади (тўғрироғи, олганда ҳам кўп ишолмади). Натижада, у анча югур-югур қилиб (қайта тайёрловдан ўтиб), мактабга ишга кирди. Аммо педагогиканинг сирларидан хабардор бўлмаган мутахассиснинг ўқитувчиликни эплашига ҳам шубҳамиз бор.

Бундай вазиятни нафақат журналистика ёки педагогикада, балки бошқа соҳада ҳам учратиш мумкин. Ҳўш, нима учун эгаллаган мутахассислик бўйича ишламасдан, умуман бошқа соҳада фаолият юритиш керак? Муаммонинг илдизи қаерда?

Ёш авлодни касбга тўғри йўналтиришда оила ва таъ-

дейди Ташкент педиатрия тиббиёт институти қошидаги клиника врач-невропатолоғи Адҳам Сатторов. — Барча соҳада бўлгани каби тиббиётда ҳам “адашганлар” учраб туради. Уларнинг иш фаолияти кўпга чўзилмайди. Наманганга хизмат сафари билан бордик. Гурӯҳимизда тажрибали шифокорлар ҳам, энди иш бошлаган ёш кадрлар ҳам бор. Пойтахтдан тажрибали врачлар келибди, дея одамлар “оқиб” келаяпти. Ҳар бир шифокор ўз йўналиши бўйича беморларни кўриқдан ўтказмоқда. Ёнимда ўтирган ҳамкасбимга бемор “Тилим тез-тез тортишиб қолаяпти, бир кўриб қўйинг”, дея мурожаат қилди. Яқинда ишга кирган ҳамкасбим унинг тилини тортиб, бир

Bugunning mavzusi

Масала ечишда қийналдим. Бу сафар тарихдан тайёрланаятман. ЎЗМУнинг гуманитар йўналишидаги факультетларидан бирига ҳужжат топширишни режалаштирганман, — дейди Шуҳрат Асомов.

— Орзум — актриса бўлиб, кинода рол ўйнаш, “юлдуз”лик даражасига эришиш. Бироқ ота-онам бунга қарши, улар ўқитувчи бўлишимни исташади. Ўзимга қолса, бугун ўқиб ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига ҳужжат топширган бўлардим, — дейди яна бир абитуриент Дилноза Қўйилева.

Гувоҳи бўлганингиздек, абитуриентларнинг режа ва фикрлари юзини бир-биридан фарқ қилмайди. Уларнинг мақсади тест синовларини топшириб, талаба бўлиш. Шу маънода, “Мен шифокор бўламан”, “Ўқитувчиликдан бошқа касбнинг менга қизиғи йўқ”, “Ўтиш бали қанча юқори бўлмасин, мен юрист бўлишим шарт”, “Журналист бўлиб, ота-онам ва устозларимнинг юзини ёруғ қилмоқчиман” дея қатъий қарор билан ҳужжат топширадиган, бир мақсад йўлида чин кўнглидан интилган ёшларгагина омад ёр бўлади.

Президентимизнинг жорий йил 26 майдаги “2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида”ги қарорига асосан, олий таълим муассасаларига қабул қилганлар тасдиқланди. Ушбу ўқув йилида 57907 нафар йигит-қиз бакалаврият босқинида талаба бўлиш бахтига эришади. Касб танлаш ихтиёрий, ўзганинг хоҳиш-иродаси ёки шунчаки ҳавас билан эгалланган касб эгасига панд беради. Шу боис, ўқишга ҳужжат топширадиган абитуриентларнинг қизиқиш ва қобилиятига қараб йўналиш танлаши, талаба бўлиб, ўз касбининг етук мутахассислари бўлиб етишиши замон талабидир.

Ҳасан МҮМИНОВ, «Ma'rifat» мухбири

Ким бўлсам экан?

қадарёлик Ислому Равшанов. — Лекин “хуқуқ йўналишида балл юқори бўлади, барибир имтиҳондан ўтолмайман”, деб механика-математика ихтисослигида ўқиди. Уқини битириб, мутахассислиги бўйича ишга кирди, аммо панд еди, кўп ишолмади. Ишдан бўшаб, бозорда савдо-сотик қилишга ўтиб кетди. Менинг эса уй-жой ва катта-катта биноларни лойихалаштиришга иштиёқим балишди. Архитектура йўналишидаги академик лицейга ҳужжат топширганман. Келажакда моҳир архитектор бўлиб, йирик бунёдкорлик ишларига ўз хиссамни қўшмоқчиман. Бу йўлдан мени ҳеч бир тўсиқ қайтара олмайди.

Журналист ўқитувчи бўлиб ишлаши мумкинми?

Амалда мумкин бўлмаса-да, ҳаётда бунинг ақсини кўраётимиз. Нега бундай? Чунки ўз касбини севган киши алал-оқибат бошқа мутахассисликка ишлашга мажбур бўлади.

лим муассасасининг ўрни катта. Ота-оналар фарзанди орқали ўз орзу-ниятларини амалга оширишга интилмасдан, ўғил-қизларининг келажакда ким бўлмоқчи экани, қандай касб-хунарга лаёқати борлигини ilk ёш давридан билиши зарур. Ўқитувчи боланинг фанларни ўзлаштириши, қизиқиш ва интилишига эътибор бериб, касбга тўғри йўналтириши лозим.

Олий таълим муассасасида ҳужжат топшириш пайтида аксарият йигит-қизлар “Ўқишга кирсам бўлди, ишлаш бир гап бўлар” деган ҳаёлда нотўғри қадам ташлаётганини англаб етмайди. Салохияти етмайдиган, қизиқмайдиган ишда фаолият юритиш қанчалик қийин эканини ўйлаб кўрса қанийди. Шу боис, дипломли, касбий кўникмаси йўқ мутахассислар пайдо бўлади. Журналистика ё ўқитувчиликни эпласа бўлар, бироқ тиббиёт соҳасида ишлашнинг талаблари жуда юқори.

— Етук мутахассис бўлиш учун кунт билан ўқиб-ўрганиш, касб сир-асрорларини пухта ўзлаштириш керак, —

нималар қилди. Бемор оғриқдан ингради. Жараёни кузатиб турган ўша ерлик шифокор “Тил нервларини шундай текширадими, қанақа шифокорсиз ўзи”, дея унга ўшқирди кетди. Тиббиёт соҳасига адашиб келган ҳамкасбим касалликни қандай текширишни билмай, доврабар қолди...

Қайси ўқишга қирмоқчисиз?

Ушбу савол билан абитуриентларга мурожаат қилганимизда, айримларидан аниқ жавоб ололмадик.

— Гуманитар фанлардан тайёргарлик кўраяман. Ҳали қайси факультетга ўқишга кириш ҳақида аниқ бир тўхтама қелмадим. Сўнгги кунгача қутиб, қайси факультетда одам кам бўлса, ўша йўналишга ҳужжат топширмоқчиман, — дейди андижонлик Нарғиза Мамажоновна.

Ажабо! Шунчаки ҳам бўларкан-да!

— Ўтган йили Жиззах давлат педагогика институтининг физика факультетига ҳужжат топширгандим, қира олмадим.

Yangiliklarda yurt nafasi



❖ Хоразмда Ўзбекистон Республикасининг "Экологик назорат тўғрисида"ги қонуни ижросини таъминлашда аҳоли фаоллиги ва фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва роли" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Хоразм вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида табиат мусоффолигини таъминлаш, яшил иқтисодиётни жорий этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Семинарда экологик назорат соҳасида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги, атроф-муҳит соҳасидаги қонулар ижроси ва ушбу йўналишдаги давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

❖ Андижонда "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маसлахатчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда 17 маслахатчи ҳудудда амалга оширилаётган ишлар, илгор иш тажрибаси бўйича тақдирот, "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлиги борасидаги фаолияти, билими, ташкилотчилик ва ташаббускорлик қобилиятини синовдан ўтказди.

Пахтабод туманидаги "Нурдиёр" маҳалла фуқаролар йиғини маслахатчиси Сайёра Мирзаяева голиб деб топилди ва танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Марҳамат туманидаги "Дукчи Эшон" маҳалла фуқаролар йиғини маслахатчиси Ирода Турғунбоева иккинчи, Қўрғонтепа туманидаги "Учкун" маҳалла фуқаролар йиғини маслахатчиси Ҳакима Аҳмадалиева учинчи ўринга сазовор бўлди.

Танлов доирасида тадбиркор ва хунармандлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар кўргазмаси намойиш этилди.

❖ Наманганда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий жараёнларни диверсификациялашда давлат ва хусусий секторнинг ижтимоий шериклиги ҳамда кадрлар салоҳиятини оширишнинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ташкил этилган тадбирда вилоятда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамда экспортчи корхоналар раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг "Электрон ҳукумат" тизимини ривожлантириш маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Наманган вилояти ҳудудий бўлими, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо, адлия бошқармалари, Наманган давлат университети, Наманган муҳандислик-педагогика институти, Наманган муҳандислик-технология институти ва бошқа ташкилотлар вакиллари мавзуга доир маърузалари тингланди.

❖ Жиззахда "Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг долзарб масалалари" II республика ёш тадбиркорлар бизнес форумининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда ёш тадбиркорлар, давлат органлари, тижорат банклари ҳамда бизнес юритишга қўмаклашувчи ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

— "Менин бизнес ғоям" танловининг мамлакат босқичида "Машина шиналаридан резина гранулалари ишлаб чиқариш" номи лойиҳа билан қатнашиб, "Қишлоқ қурилиш банк"нинг 20 миллион сўмлик имтиёзли кредитини олиш ҳуқуқига эга бўлдим, — дейди Жиззах иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи битирувчиси Сабоҳат Узоқова. — Давлатимиз томонидан биз, ёшларга яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, келажагимизга мустаҳкам пойдевор яратиш билан бирга, аҳоли фаровонлигига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Тадбирда мутахассислар ёш тадбиркорлар фаолиятида учраётган айрим муаммо ва тақлифларни ўрганиб чиқди. Муаммоларни бартараф этиш, тадбиркорликни ривожлантиришнинг йўл-йўриқлари тўғрисида маслахатлар берилди.

Бизнес ғоялари саралаб олинган 8 нафар иштирокчи форумнинг мамлакат босқичида иштирок этди.

Ўза ва махсус мухбирларимиз материаллари асосида тайёрланди.

Соҳа ривожини йўлида

Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Республика шотилинч тиббий ёрдам илмий маркази фаолияти ва бугунги кунда даволаш муассасаларида энг мураккаб амалиётларнинг муваффақиятли ўтказилаётгани ҳамда мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан тиббиёт соҳаси учун кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва мутахассисликка йўналтириш борасида олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжуманлари ўтказилди.

Анжуманларда мамлакатимиз аҳолисига шотилинч тиббий ёрдам кўрсатишининг бугунги ҳолати ва истиқболлари, тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртлири, коллежларда ўқув сифати ва самардорлигини оширишга, мала-

кали тиббиёт ходимларини тарбиялашга қаратилаётган эътибор хусусида сўз борди.

— Таълимда янги педагогик ва инновацион технологияларни жорий этиш билан бирга, замонавий техник ўқитиш воситалари кенг қўлланилмоқда, — дейди вазирликнинг фан ва ўқув юртлири бош бошқармаси бошлиғи Уктам Исмоилов. — Бўлажак соҳа ходимларига халқаро стандартлар асосида таълим бериш, билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, дарсларни назария ва амалиёт йўналишида олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Замонавий тиббиёт ходими нafaqat ўз соҳасини мукамал билиши, интернетдан фойдалана олиши, балки инглиз тилини пухта ўзлаштириши ҳам зарур. Бу хорик тажрибасини ўрганиб, амалиётда қўлаш имконини яратди.

Сардор МУСТАФОЕВ,
ЎзДЖТУ талабаси

Юрт тарихи билимдонлари аниқланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг мажлислар заллида "Ўзбекистон тарихининг билимдонлари" танлови голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 8 апрелдаги 142-сонли буйруғи асосида ташкил этилиб, вазирликнинг test.edu.uz портали орқали онлайн тарзда ilk бор ўтказилган маъруза танловда 57 олий таълим муассасасидан жами 1252 нафар талаба иштирок этди.

Яқиний натижаларга кўра Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси С.Рустамов биринчи ўрин, Нукус давлат

педагогика институти талабалари А.Жаббиев ва Д.Тожи-муротов иккинчи ва учинчи ўринларга сазовор бўлди. Шунингдек, оқори балл тўплашга муваффақ бўлган 13 нафар талаба ҳам рағбатлантирилди. Голиб талабаларнинг устозлари ҳам талаба-ёшларда тарихимизга қизиқиш уйғотиш, тафаккурини бойитишдаги меҳнатлари учун вазирликнинг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Айтиш мумкинки, икки бос-

қичда олиб борилган ушбу танлов мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар, эришилган ютуқларни кенг тарғиб қилиш, ёшларнинг Ватан тарихига бўлган қизиқишини янада ошириш, уларда миллий ўзлигини англаш, юксак маънавият, халқнинг тарихий анъаналари, маданий меросига ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. Шу билан бирга талабаларда Ватан тарихига оид адабиётларни ўқиш иштиқини ҳам оширишга хизмат қилди.

Аброр УМАРҚУЛОВ

Хар бир ёш авлод эътиборимизда

Фарзандларимизнинг тарбияли, илмли ва зукко бўлиб улғайиши, атрофга теран назар билан қараши учун барчамиз масъулмиз. Айниқса, таълим муассасаларида ўғил-қизларни қизиқарли машғулотлар билан банд этиш, уларнинг вақтини мазмунли ўтказиш, хар томонлама соғлом фикрли бўлиб улғайиши учун барча имкониятлардан фойдаланамиз. Пойтахтимиздаги 162-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган тадбирда ана шу жиҳатларга эътибор қаратилди.

"Хар бир ёш авлод эътиборимизда" шиори



остида ўтказилган ушбу анжуманда сўзга чиққанлар ўқувчиларнинг маънан ва жисмонан етук бўлиб улғайиши, интилувчан, соғлом фикрли ёшларни тарбиялаш доимий эътиборда бўлиши зарурлигини таъкидлашди.

— Болалар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик профилактикасини ўз вақтида амалга ошириш, уларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтиришга доимий аҳамият қаратиш лозим, — деди Чилонзор тумани ХТМФМТТЭБ мудир Тохир Матқубов. — Таълим муассасаларида ёшларга сабоқ бераётган педагоглар янгиликлардан хабардор бўлиб, дарсдан кейинги тўғрақ машғулотларида ҳамжиҳатлик муҳитини яратётгани айни мундао. Қолаверса, туманимиздаги "Баркамол авлод" болалар маркази ҳамда Маънавият тарғибот маркази мактаблар билан ҳамкорликда маънавий, тадбирлар, "Энг ижодкор ўқувчи", "Энг ижодкор ўқувчи", "Энг интизомли ўқувчи", "Энг намунали синф сардори" каби танловлар ўтказишни анъанага айлантирган.

Анжуман доирасида ўқувчилар суҳандонлик, актёрлик маҳорати ҳамда шахмат, шашка бўйича қобилиятини намойиш этди, севибли санъаткорлар билан суҳбатлар уюштирилди.

Шоира БОЙМУРОДОВА

Маданий-маърифий тадбир

Юнусобод туманидаги 274-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган "Олдузча" кундузги оромгоҳида маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги олдида "Гўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ташкил этилган тадбирда таниқли шоир ва ёзувчилар, пойтахтимиздаги рус, украин, татар-бошқир миллий маданияти марказлари, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, маънавият тарғибот маркази вакиллари, маҳалла фаоллари иштирок этди.

— Ўқувчи-ёшларнинг онгу

шуури, тафаккурини юксалтириш, уларни ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол этиб тарбиялаш узулуксиз жараён бўлиб, ёзги таътил мавсумида оромгоҳимизга қамраб олинмадиган жами 560 нафар ўқувчи ўз қизиқишига қараб қатнайдиган 16 та тўғрақ машғулотларининг асосий мазмун-моҳиятига ана шу мақсад сингдирилган, — дейди оромгоҳ раҳбари Гулнора Иброҳимова. — Ҳафтасига икки марта ташкил этиладиган "Бу-

вижонлар ўғити" тўғраги алоҳида эътиборга молик. Болаларнинг қўмулиши хуш қўришади. Спорт мусобақаларида голиб бўлишга интилишади. Қизлар "Оқтепа" маҳалласининг оқила бувжонларидан ҳаётий сабоқ олмақда. "Аждодлар изидан", "Хусниҳат", "Ҳажжи мусаввир", "Ёш математиклар", "Ёш китобхон", "Инглиз тили", "Ёш табиатшунослар", "Рақс" тўғрақлари гавжум.

Тадбир якунида концерт дастури намойиш этилди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
"Ma'rifat" мухбири

2016-yil 6-iyul, № 54 (8911)

Такомиллаштирилган ўқув жараёни

қишлоқ ва сув хўжалиги тармоғини юқори малакали кадрлар билан таъминлашга ҳисса қўшади

Қишлоқ хўжалиги тармоқлари, чорвачиликни ривожлантириш, тупрок унумдорлигини ошириш, экинларнинг янги, серхосил ҳамда тезпишар навларини яратиш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникалари, машина ва агрегатларнинг самарали тизимини такомиллаштиришда замонавий билимларга эга кадрларнинг ҳиссаси беқийс.

Вазирлар Маъжасининг 2015 йил 3 ноябрдаги «Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларини олий маълумотли юқори малакали кадрлар билан таъминлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларида талаб юқори бўлган олий маълумотли кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси олий таълим муассасаларининг моддий-техника базисини янада муостаҳкамлаш, таълим жараёнига замонавий юқори самарали педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишни илғор усулларини фаол жорий этишга хизмат қилмоқда. Унга қўра, Самарқанд давлат қишлоқ хўжалиги ин-

ститутда ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

— Қарорга мувофиқ институтда факультетлар сони 1тага ошиб, бугунги кунда 22 кафедра ва қатор бўлимлар фаолияти йўлга қўйилган, — дейди институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори Абдуғани Элмуродов. — Янги факультет ҳамда мавжуд кафедраларга алоҳида хоналар ажратилиб, керакли жиҳозлар, сифатли ва энг замонавий ўқув ускуналари, технологиялар билан таъминланди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқлари, мазкур соҳага алоқадор корхона-ташкilotлар, фермер хўжаликлари тўғрисида маълумотлар базиси ҳамда вилоятлар кесимида таълим йўналишлари, мутахассисликлари бўйича олий маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёж ўрганилди.

Олий таълим муассасаси битирувчиларини иш билан таъминлаш имконияти мавжуд ташкilot-корхоналар, фермер хўжаликлари уюшмалари, қайта ишлаш корхоналарининг бўш иш ўринлари бўйича маълумотлар жамланди.

Институтда бакалаврият босқичида «Касб таълими (қишлоқ хўжалигида менеж-

мент)», «Манзарали богдорчилик ва кўкалмазорлаштириш», «Ипакчилик», «Ўрмончилик ва ўрмон мелiorацияси» йўналишлари, шунингдек, магистратура босқичида «Кинология ва ит касалликлари», «От касалликлари ва тренинги» мутахассисликларини очиб режалаштирилмоқда.

Олий та'лим

Бундан ташқари, институт педагог кадрлари ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги мутахассисларининг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш ўқув дастурлари ва ўқув режалари қабул қилинди. Фан-таълим—ишлаб чиқариш интеграцияси талабларини ҳамда ишлаб чиқаришдаги диверсификация жараёнларини эътиборга олиб, агрономия, ветеринария, қишлоқ хўжалиги махсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси мутахассисликлари бўйича ҳам малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув режалари такомиллаштирилди. Шунингдек, институт қошида фермер хўжаликлари раҳбарларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш минтақавий маркази, Ветеринария хизматини

кўрсатиш илмий-амалий маркази («Ветсервис»), Наслчилик хизматини кўрсатиш илмий-амалий маркази («Наслхизмат») ташкил этилди.

Улар фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида қишлоқ ва сув хўжалиги, илм-фан ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида таълимни интеграциялашни чуқурлаштириш бўйича илмий-тадқиқот муассасаларининг етакчи олимларидан 11 нафари жалб қилинди. Ҳамкорлик шартномаларига мувофиқ, агрономия, ветеринария, қишлоқ хўжалигида менежмент, зоотехния ва қоракўчилик соҳалари бўйича илмий ва инновацион гуруҳлар шакллантирилди.

— Эътирофга лойиқ жиҳатлардан яна бири, Жанубий Корея, Германия, Япония, Хитой, Чехия, Бельгия, Испания, Польша ва бошқа давлатларнинг нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик шартномалари имзоланди, — дейди институт халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Ш.Ҳасанов. — Улар билан алоқалар кучайтирилиб, бта янги халқаро лойиҳа иш бошлади. Яъни, 2015—2017 йиллар-

га доир лойиҳалар портфели шакллантирилди. Мазкур ўқув йили давомида ўндан ортиқ хорижий олий таълим муассасаларининг етакчи профессор-ўқитувчилари, илмий ходимларини ўқув жараёнига жалб қилиш бўйича келишувга эришилди.

Институт битирувчиларининг жорий ўқув йили ва келгуси фаолияти давомида ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш тубдан такомиллаштирилиб, уларни ишга жойлаштириш ишлари самарадорлиги янада ошди. Бунинг учун талабаларнинг таълим йўналишлари ва мутахассисликлари кесимида малакавий амалиёт ўташлари учун барқарор фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари, корхона-ташкilotлар танланди ва улар билан шартномалар тузилди. Институт ўқув-тажриба давлат унитар корхонаси ер майдонидан 3 гектар ер ажратилиб, талабаларнинг амалиёт ўташи, илмий тадқиқотлар ўтказиши учун алоҳида шариот яратилди.

Белгиланган режа ва мақсадларимиз, лойиҳаларимизнинг тўлақонли амалга оширилиши институтимизнинг нуфузини янада оширибгина қолмай, қишлоқ хўжалиги соҳасини интеллектуал салоҳиятли, замонавий билим ва тажрибага эга иқтидорли кадрлар билан таъминлашга хизмат қилади.

Ҳаким Жўраев,
«Ma'rifat» мухбири

«Ёш ихтирочилар» клуби

изланувчан ёшларга қанот бағишламоқда

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори салоҳиятли йигит-қизларнинг иқтидорини юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, Андижон давлат тиббиёт институти талабаларининг илм-фан соҳасида эришаётган ютуқ ва марралари, ташаббус ва ғоялари ана шу юксак эътибор меvasи десак муболага бўлмайди.

— Институтимизда ёш ихтирочилар клуби фаолияти йўлга қўйилган, — дейди илмий ишлар бўйича проректор Фуломжон Ҳожиматов. — Бу бўлажак олимларни тарбиялашда муҳим ўрин тутаяпти. Клуб аъзоларининг ҳар бирига юқори малакали раҳбарлар бириктирилган. Тақдим этиладиган ҳар бир янгилик замонавий тиббиёт талабига жавоб бериши, амалиётга татбиқ этишга тайёр бўлиши зарур, деган қоида ихтирочи талабанин ҳам, раҳбаринин ҳам асосий тамойилига айланган.

Чиндан ҳам йигит-қизлар тақдим этаётган лойиҳа ва янгиликлар замонавий тиббиётни янада такомиллаштириш, касалликлар диагностикаси ва уларнинг олдини олишдаги аҳамияти билан илмий жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Мазкур давлат факультети 6-курс талабаси Аҳрорбек Нуриддинов

қулоқ, бурун ва томоқ касалликларини даволашда фойдаланиладиган «Топес-1» номли қайчи ихтиро қилди. Мазкур мосламанин бошқа қайчилардан асосий фарқи дастасининг кесувчи қисмидан 45 градус пастда жойлашганлигидир. Бу иш жараёнида жарроҳга ҳар томонлама энгиллик туғдиради. Ҳозирча институт клиникасида 12 нафар беморда муваффақиятли синовдан ўтди. Айниқса, танзиллотами, яъни бодом-



Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

симон безни олиб ташлаш жарроҳлигида фойдаланишга қулайлиги мутахассисларга маъқул бўлмоқда. Ёш мутахассиснинг изланишлари «Юрт келажаги» республика қўрик-танлови, Қозогистоннинг Остона шаҳрида ёш жарроҳлар ўртасида ўтказилган «Инновацион лойиҳалар» конференциясида ҳам алоҳида эътиборга эрилди.

— Устозим — тиббиёт фанлари номзоди Баҳромжон Абдуллажонов раҳбарлигида янги мосламани янада мукамаллаштириш борасида изланаяпмиз, — дейди у. — Жумладан, уни қорин бўшлиғи ва кўркак қафаси жарроҳлигида қон томирларини кесилда ҳам қўллаш режалаштирилган. Негаки, қайчининг уч қисми тўмтоқлиги операция пайтида қон томири ортида жойлашган аъзоларга мутлақо зарар етказмайди.

Маълумки, яссиоёқли боланин бодир-панжа бўғими сужлари жой-

лашишида бузилиш рўй бериб, турли ўзгаришлар кузатилади. Натияжада унинг қадам ташлаши бузилади, оғирлик оёқ қафтига зарб билан тушади ва таянч-ҳаракат тизимининг юқори қисмига ҳам нотўғри тақсимланади. Бу қад-қомат, боланин ўсиши ҳамда оёқ панжаси мускуллари ривожланишига салбий таъсир кўрсатади.

Педиатрия факультети 5-курс талабаси Шохрух Аҳмадалиев юқори-

дагидек ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ихтиро қилган ишланмасини «Right steps», яъни «Тўғри қадамлар» деб номлади. Мактабга ёшдаги яссиоёқли болаларни даволашда мазкур махсус универсал ортопедик пойабз бундан восита бўлиши шубҳасиз. Муҳим оёқ панжаси гумбаз соҳасига ўрнатилган махсус ярим овал шаклдаги пўкадан ясалган супинатор-патак алоҳида ўрин тутди. Унинг бошқа турдошларидан асосий фарқи ёшга хос анатомо-функционал хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда яссиоёқлиликнинг ҳар бир даражаси учун алоҳида мўлжалланган. Пойабзалнинг устки қисмида ҳам бир қанча жиҳатлар ҳисобга олинган бўлиб, аввало, уй шароитида, болалар боғчасида қийишга мослашган. Унинг йилнинг иссиқ ва совуқ фасллари учун алоҳида турлари яратилганлиги эътиборга молик.

Магистратура йўналишининг оф-тальмология мутахассислиги 2-курс талабаси, Шохида Кўнқорова қовоқларнинг ташқарига буралиб қолиши билан оғриган беморларни хирургик усулда даволаш борасида изланишлар олиб бормоқда. Мазкур мавзудаги тақдиротида аўтогрансплантат, яъни елканин ички юзасидаги теридан қовоққа пластика қилиш усулига эътибор қаратди. Айтиш керакки, бу амалиёт бугунги кунга қадар вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида 80 нафар беморда муваффақиятли қўлланилди.

— Қовоқларнинг буралиб қолиши оқибатида кўзда турли касалликларга мойиллик кучайиши мумкин, — дейди Ш.Кўнқорова. — Биз қўллаётган усул асосан куйган беморларда амалга оширилади ва ана шундай нохуш ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Шунингдек, даволаш факультети 6-курс талабаси Сарвиноз Қурбонваннинг «Метаболик синдром ва тизимли яллиғлини жараёни», 3-курс талабаси Гулираъно Ваҳобованин «Ошқозон ости беzi йўлларида гидростатик босим тебранишида энзим бикарбонатлар секрециясининг ўзгариши», педиатрия факультети 3-курс талабалари Элёр Охунжонов ҳамда Бобур Қодировнинг «Абу Жаҳл тарвузини Ўзбекистон шароитида маданийлаштириш биологияси ва табобатда қўлланилиши», «Рационал овқатланиши излаш солиш ва овқат ҳазм бўлишини яхшилаш» мавзуларидаги изланишларини ҳам истиқболли лойиҳалардан деб айтиш мумкин.

Орифжон СИДДИҚОВ,
«Ma'rifat» мухбири

2016-yil 6-iyul, № 54 (8911)

Киш куни. Ёмигр аралаш қор ёғмоқда. Бекатда автобус кутаётганларнинг ҳаммаси манзилга шошади. Тирбанд йўлларда зўр-базўр юраётган автобусларга катта-ю кичик ўзини уради. Йўловчилар орасида елкасига мактаб сумкасини тақиб олган ўқувчилар ҳам бор. Улар ҳам автобусга чиқиб олганидан мамнун. Бироқ текилинда тушадиган бекатдан ўтиб кетган ўқувчи бақиради: "Тўхтати-инг!..."

Ўқув йили тугаб, мактабларда кейинги йилда 1-синфга қабул қилинадиган ўқувчилар рўйхатини шакллантириш ишлари бошлаб юборилди. Мактабга бориш орзусидаги боласини қайси таълим масканига бериш масаласи кўпгаб ота-оналарни ўйлантиради. Албатта, улар фарзандининг энг намунали мактабда билим олишини хоҳлайди. Шу боис ҳозирдан ютук ва натижалари юқори мактабларни суриштиришни бошлаб юборган. Улар танлаш ҳуқуқидан самарали фойдаланиб, мактабнинг замонавийлигидан ташқари, ўқитувчилар маҳорати, педагогик о бўрси билан ҳам қизиқишади. Бу пайтда айримлар барча шарт-шароитларга эга яқин ҳудуддаги мактаблар қолиб, узоқда жойлашган бўлишига қарамай, "тилга тушган" муассасаларга талпинади. Аммо бола учун яқин ҳудуддаги мактабда ўқиш энг қулайидир. Чунки кузатишлар узоқ мактабга қатнаб ўқийдиган ўқувчида қатор муаммолар юзага келишини, бу унинг билим олишига бевосита таъсир қилишини кўрсатади.

Кўни-кўшни ва маҳалла болалари бир мактабга борса, дарслар тугагач, биргаликда ўйнайди, уйга берилган вазифаларни биргаликда бажаради. Аммо бугун мана шу аънанани бузадиган бир қанча ҳолатлар мавжуд. Чунки икки қўшнинг боласи иккита мактабга қатнайди. Айниқса, бу шахар жойда кўпқаватли уйда яшайдиганларнинг фарзандларига хос ҳолат. Хўш, бунинг сабаби нима?

— Ўғлим хорижий тилларни пухта ўзлаштирсин деб, сал узоқроқ бўлса ҳам шу йўналишдаги ихтисослаштирилган мактабга бердик, — дейди эндигина 1-синфни тамомлаган Жалолдиннинг онаси Феруза Аҳодова. — Эрталаб дадаси ишга кетишда мактабга элтиб кўяди, дарслари тугагач, ўзим олиб қайтаман. Тўғри, қиш ойларида

қийинчилик бўлди. Ўғлим эрта уйғонишга қийналди, қор-ёғирили кунларда дарсга кеч қолган кунлари ҳам бўлди...

Юклама икки хисса ортади

Эндигина 1-синфга қадам қўйган бола узоқ ҳудудга қатнаб ўқиса, қандай муаммоларга дуч келишини мутахассисдан сўраймиз.

— 1-синф ўқувчиси учун эрта уйғониш, нонушта қилиш, кийинишдан ташқари дарсларда диққатини жамлаб ўтиришнинг ўзи оғир юклама, — дейди пойтахтимиздаги 10-

ортади. Мослашувдаги муаммолар боис 1-синф ўқувчиларининг кўпчилиги одамлар орасида ўзини ноқулай ҳис этиб, уятчан, одамови, қайсар, жижзакки, ичидигини ташқарига чиқармайдиган бўлиб қолади. Шундай кайфиятдаги болага уйга қайтишда жамоат транспортини кутиш, автобуслардаги тирбандлик, йўловчиларнинг турли-туман гаплари ёки йўл-йўриқлари қўшимча зарбадек таъсир қилади. Толиққан ўқувчининг дарсдан сўнг яна шунча қийинчилик эвазига уйига келганидан сўнг иштахаси бўлмайди, чарқоқдан мадори қурийд, уйга вазифа-

чилар натижаси юқорилиги эвазига айрим мактаблар маълум ва машҳур бўлади. Бироқ, барча мактаб жамоалари шундай кўрсаткични қўлга кириштириш учун ҳеч бир омил тўсиқ бўлмайди. Шундай экан, бир мактабни бошқасидан афзал деган қараш ноўрин, — дейди Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси бошлигининг ўринбосари Эркин Муродов. — Ота-оналар фарзандини микроҳудуддаги мактабда, шунингдек, амалдаги тартибларга риоя этган ҳолда бошқа микроҳудудга бириктирилган муассасада ўқитиш ҳуқуқига эга. Бироқ мактаб жа-


Mulohaza

қайси яқин қариндошлари олиши ҳақида ҳар ўқув йили бошида тилхат ёздириб олинади. Албатта, узоқдан қатнайдиган ўқувчилар доимо ота-онаси, ака-опалари ҳамроҳлигида мактабга келиб-кетишади. Бироқ уларда кўпгина эрталаб дарсга кечикиб келиш ҳолатлари кузатилади. Айниқса, ёғин-сочинли кунларда бу ўқувчиларим йўл билан боғлиқ муаммолар тўғрисида дарсга кеч қолади. Уйга кетиш чоғида олиб кетувчилар ушланиб қолса, бола термулганча уларни кутади. Мактабга яқин масофада яшовчилар эса ўзи мустақил равишда уйга етиб олади.

Мактаб раҳбарлари ва ўқитувчилар ҳам бошқа ҳудуддан келган ота-оналарга қатнаб ўқиш ўқувчи учун оғирлигини тушунтириши, зарур ҳолларда муассаса амалиётчи психолога ҳаётий мисоллар ёрдамида реал кўрсатмалар бериши айти мудоаодир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларининг намунавий низомида шундай келтирилган: "Мактабнинг асосий мақсади ўқувчиларни давлат таълим стандартларига мувофиқ ўқитиш ва тарбиялаш, шахсининг таълим олишига доир конституциявий ҳуқуқини рўйбга чиқаришдан иборат".

...Май ойи. Кўёшнинг тафти элкани қиздиради. Арваачали сумкасига китобларини юклаб олган таниш болақай бир четдаги ўриндикда мудрайди. Иссиқданми, уйкуга тўймаганиданми, толиққаниданми боланинг боши гоҳ ўриндик елкасига, гоҳ автобус ойнасига урилади... Эҳ, у яна бекатидан ўтиб кетди! Чиптачи хола норози оҳангда бақириб қолди: "Нима бола, бу бола автобусга ухлалаган чиқадими, ҳар куни аҳвол шу"...

Насиба ЭРХОНОВА,
«Ma'rifat» мухбири



Маҳалладаги мактаб

Унинг узоқдаги таълим муассасасидан афзаллиги нимада?

оилавий поликлиника шифокори Роҳила Йўлдошева. — Дарсдаги топшириқларни бажариш ва уйга вазифаларни тайёрлаш эса бу юклама залворини янада оширади. Ушбу "яширин муаммолар"ни тўлиқ англаб етмаган ота-оналар боласининг озгина дарс тайёрлагач, тез чарчаб қолиши, эрталаб уйғонолмаслигидан нолийди. Бу ҳолат мактабга мослашув билан боғлиқлигини тушуинган ҳолда, узоқ ҳудуддаги мактабга қатнаб ўқийдиган боланинг оғир сумкани кўтарганига ақиндаги муассасада таълим оладиган тенгдошидан икки баравар ортиқ куч сарф этишини ҳисобга олиш зарур. Айниқса, кутиш (табиийки, узоқ ҳудуддаги мактабга транспортда қатнайди) ҳисси болани тажанг қилиб қўяди.

Мавзу юзасидан амалиётчи психолог Раъно Раҳимова шундай дейди:

— Психологик тадқиқотларга кўра, инсон умри давомида руҳий зарбаларнинг энг кўпини айнан 1-синфда ўқини бошлаган даврда олади. Бу пайтда бола "етти ёш кризиси" билан бирга бутунлай янги ҳаёт, талабларга дуч келади. Айти ҳолатда жисмоний ва руҳий юклама болани қийнайди. Агарда ўқувчи узоқдаги мактабга қатнайдиган бўлса, унинг азияти икки хисса

ларни тайёрлашга иштиёки бўлмайди.

«Узоққа қатнаб чарчадим»

Узоқдаги мактабга қатнайдиган болалар оdatдагидан бир соат аввал уйдан уйғонишга мажбур. Дарслар тугагач, уйга қайтиш учун яна бир соат аввал йўлга сарфлайди. Демакки, узоқ мактабда таълим оладиган боланинг ҳар куни икки соатдан ошмиқ умри йўлда ўтади. Яқиндаги мактаб ўқувчиси қаршида эса уйга етиб олиш муаммоси кўндаланг бўлмайди, у қўшни ва таниш тенгдошлари билан биргаликда қувноқ кайфиятда оила барига талпинади. Таммадидан сўнг ўртоқлари билан ўйнашга, дарс тайёрлашга бажонидил киришади.

Бу йил 9-синфни тамомлаб, таълимнинг кейинги босқичга йўлланма олаётган Захро Одилова ота-онаси эътиборини бир масалага қаратди: "Мен уйимизга энг яқин жойлашган касб-хунар коллежида ўқини хоҳлайман. Чунки тўққиз йил узоққа қатнаб ўқидиш чарчадим".

— Республикаимиздаги барча умумтаълим мактаблари учун бир хил давлат таълим стандартлари жорий этилган. Фақатгина маҳоратли ўқитувчилар ва улар ўқитган ўқув-

моаси 1-синфга ўқувчиларни қабул қилишда, аввало, микроҳудудда яшовчи болаларни қамраб олиши, ундан кейингина бошқа ҳудуддан келган ўқувчиларни қабул қилиши лозим. Мактаб микроҳудуди билан ишлашда ҳар бир ўқитувчи оилалар билан узвий алоқа ўрнатиши бугунги кун талаби ҳисобланади. Шу сабаб бошқа ҳудуддан келиб ўқийдиган ўқувчиларнинг маҳалласи, оиласи, ота-онаси ҳақида тўлиқ маълумот олиниб, хонадонларга борган ҳолда маълумотлар банки тўпланиши шарт.

Дарсга кеч қолади...

Бошқа ҳудуддан келиб ўқийдиган ўқувчилари бор мактабда синф раҳбари зиммасига қўшимча масъулият юкланади.

— Синфимдаги 32 ўқувчининг олти нафари мактабимиз микроҳудудидан ташқаридан қатнайди. Уларнинг ҳар бири унинг уйига бориб, ота-оналари билан узвий ҳамкорлик ўрнатганман, — дейди Сергели туманидаги 6-ИДУМ ўқитувчиси Роҳила Асраева. — Ота-оналардан фарзандининг катта йўлдан ўтишида доимий назоратчи бўлиши, йўл ҳаракати қоидаларига мунтазам амал қилиши ва мактабдан


Марказда мазмунли таътил

Ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда ахборот-ресурс марказларида ташкил этилаётган қизиқarli тадбирлар, китобхонлик кечаларининг ўрни алоҳида.



Юнусобод тумани ахборот-ресурс марказида бу жараён ёзги таътил даврида ҳам қизгин олиб боришмоқда. АРМда таътил кунларини сермазмун ўтказиш, марказга жалб этилган ўқувчиларнинг мароқли ҳордиқ чиқариб, маънавиятини бойитиши, интеллектуал ўйинларда иштирок этиши учун барча шароитлар яратилган.

— Болаларда мутолаа маданиятини шакллантириш, китобга меҳр уйғотиш, бадий адабиётга бўлган қизиқишини оширишга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар таълим муассасалари қошида ташкил этилган кундузги оромгоҳлар, соғломлаштириш майдончаларида марказимиз ходимлари томонидан ташкил этиб келинмоқда, — дейди АРМ раҳбари Замира Зайнитдинова. — Ҳафта кунларига бўлиб чиқилган қизиқarli машғулотлар — "Мутолаа куни", мультфильм намойиши, қувноқ қаламлар, викторина ўйинлари, «Саёҳат куни» тадбирларида ўқувчилар фаол иштирок этмоқда. Мар-



казда ёш ижодкор ўқувчиларнинг ижод намуналаридан иборат «Ёз — 2016», «Ёз, китоб ва мен», «Ёз — ўтмоқда соз» кўргазмалари ташкил этилган.

МУХБИРИМИЗ

Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.

Bilimlar bellashuvining respublika bosqichi g'oliblari

Shu yilning 29-30-iyun kunlari bilimlar bellashuvining filologiya fanlari (ona tili va adabiyot, o'zbek tili, rus tili va adabiyoti, rus tili, ingliz, nemis, fransuz tili) yo'nalishi bo'yicha respublika bosqichi bo'lib o'tdi.

I O'RIN SOHIBLARI

Table with 6 columns: No, O'quvchilarning familiyasi, ismi, otasining ismi, Hududi (respublika, viloyat, shahar), Tumani (shahar), Maktabi, Sinf, fan. Lists top 14 students.

II O'RIN SOHIBLARI

Table with 6 columns: No, O'quvchilarning familiyasi, ismi, otasining ismi, Hududi (respublika, viloyat, shahar), Tumani (shahar), Maktabi, Sinf, fan. Lists 28 students.

III O'RIN SOHIBLARI

Table with 6 columns: No, O'quvchilarning familiyasi, ismi, otasining ismi, Hududi (respublika, viloyat, shahar), Tumani (shahar), Maktabi, Sinf, fan. Lists 33 students.

Эртанги куннинг муносиб эгалари

"Интеллектуал ривожлантириш оромгохи"да марокли хордиқ чиқармоқда

Бўстонлик туманидаги "Кўёшли" болалар соғломлаштириш оромгоҳида ташкил этилган "Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳи"нинг иккинчи навбати очилиши муносибати билан тантанали маросим бўлиб ўтди.

Ўқитувчилари замонавий планшетлар билан тақдирланган устоз ва шоғирларга олам-олам гуноҳон бахш этди.

Бўйича тўғарақлар, хусусан, "Инглиз тили" тўғарағи ўқувчиларни табиат кўйида ўтаётган ноанъанавий машғулотлари хушнуд этмоқда.

Тантанали йиғилиш давомида биллилар беллашувининг 1-, 2-, 3-ўрин соҳибларига медал, диплом ва сёдлақ соғвалари топширилди.

Оромгоҳда болажонлар ҳар дақиқани мазмунли ўтказиши учун барча имкониятлар яратилган.

Илҳом ЖўРАЕВ, "Ma'rifat" мухбири

«Камалак»да болалар кайфияти аъло

Чор-атрофни болажонларнинг шўх-шодон овози тутган. Майдончада тўп тепайтган, сувда сузайтган, шахмат, шашка ўйнаётган, фойдали машғулотлар билан банд ўқувчиларни қўриб, дил яйрайди.


вирий санъат тўғарағида ижод қилишга одатланганман.

Янгиқўрғон туманидаги сўлим ва баҳаво "Камалак" болалар оромгоҳига ташир буюрсангиз, ана шундай манзарага гувоҳ бўласиз.

Чортоқлик Шоқир Кўкибоев 5-ИДУМда ўқийди. У оромгоҳдаги "Еш мусаввир" тўғарағи аъзоси.

Оромгоҳда болаларнинг ёғи таътилли марокли ўтказиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, спорт билан мунтазам шугулланиши учун барча қулайликлар яратилган.

Оромгоҳда марокли таътил



Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги «Еш авлод» болалар ёғи оромгоҳида 85 ўғил-қиз марокли дам олмақда.

Оромгоҳда болаларнинг ҳар бир куни мазмунли ўтаётди. Маданий-маърифий тадбирлар, қизикarli учрашувлар, табиат кўйига савёҳатлар уларда унутилмас таассуротлар қолдирмоқда.

Ёзги таътилдаги кун тартиби

боланинг соғлиғига ҳам, одобига ҳам ижобий таъсир этади

Ёз — мактаб ўқувчилари учун таътил даври. Бола бу фаслда жисмонан-руҳан толиққан организмини тиклаб, янги ўқув йилига куч-қувват тўплайди. Қўпичча бу пайтда ота-оналар олдида бир муаммо туради: болани ўз ҳолига қўйган яхшими ёки кун тартибига ўргатиш керакми? Фарзандларимизнинг таътил дамлари мароқли ва сермазмун ўтиши учун нималарга эътибор қаратиш керак? Янги ўқув йилида унинг талаб даражасида таълим олиши учун ёзги таътилда қандай ишларни амалга ошириш зарур?

Мутахассислар бу фаслда кун тартибини тўғри белгилашни тавсия этадилар. Тўғри тузилган кун тартиби боланинг саломатлиги, жисмоний ривожланишига ижобий таъсир этиши баробарида, унда яхши одат ва фазилатлар шаклланишига хизмат қилади.

Кун тартибини ўзгартириш шарт эмас.

Бу талаб уй шароитида дам олаётган болага нисбатан қўйилиши мумкин. Бола учун амалдаги кун тартиби муддатини биров узайтириш, мавсумга қараб янада бойитиб бориш керак, холос.

Болага барвақт уйғониш ёқмайди, у кўпроқ ухлашни, бамайлихотир овқатланишни, истаганича телевизор томоша қилишни, компьютерда ўйнашни, дўстлари билан мулоқотда бўлишни хоҳлайди. Одатда кун тартибига болани қатъий чегарада ушлаб туриш учун эмас, балки организмдаги биологик жараённинг меъёрида кечиши учун амал қилишари. Шу боис, кун тартибини "ёзги", "қишқик" пайтларга мослаб дастурлаштириш натижасида организмда гормонал оғишлар кузатилади. Бунинг оқибатида турли хил физиологик, психик касалликлар юзага келиши мумкин. Боланинг кун тартибини мактаб давридагидан унчалик фарқ қилмаган ҳолда ташкил қилган ота-оналар тўғри йўл тутган ҳисобланади.

Соғломлаштириш чора-тадбирлари.

Фарзандингиз мутлақо соғлом бўлса, бу яхши. Шундай бўлса-да йилига бир мартаба шифокор кўригидан ўтиш фойдадан холи эмас. Мактаб даврида бунга улгурилмаган бўлса, ёз энг қулай пайт. Бола йил давомида сурункали касалликларни бошидан ўтказган бўлса, соғломлаштирувчи санаторий ва ихтисослаштирилган оромгоҳга жалб этиш энг мақбул йўл ҳисобланади.

Агар бундай дам олиш масканларига юборишнинг имконияти бўлмаса, уй шароитида ҳам бу чора-тадбирларни амалга ошириш мумкин. Бунинг учун тиббий-педагогик саводхонлик талаб қилинади.

Бола нимжон бўлса.

Асаб тизими воқеа-ҳодисаларга жуда таъсирчан болалар дарров чарчаб қола-

дилар ва дам олишга эҳтиёж сезадилар. Улар учун дам олишнинг энг муҳим тури ухлаш ва очиқ ҳавода сайр қилиш, жисмоний чиникиш машқларини босқичма-бос-



қич бажариб боришдан иборатдир.

Харакатчан болалар учун.

Узоқ давом этувчи ёзги таътил кунлари шўхлиги билан ажралиб турадиган ҳаракатчан болаларга "гиперактив" дея таъриф берилмиш. Уларга танбех бериш эмас, бирор юмуш билан андармон қилиш керак. Унинг иштиёқи ва ҳаракатларини чекламай, балки рағбатлантириб, меҳр билан дўстона муносабатда бўлиш, қизиқишни инobatга олиш, спортнинг бирор турига жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу тилдаги 12 ёшгача болаларда уйку кунига 10 соатдан кам бўлмашлиги шарт. Катта ёшдагилари эса 1-2 соат камроқ ухлаши мумкин. Кундузги уйку уларнинг рухий-физиологик ҳолатида катта роль ўйнайди.

Болани бекор қолишдан асраш керак. Агар у кўчакўйда дўстлари билан мақсадсиз сангиса ёки компьютер олдида силжидмай кун бўйи ўтирса, демак дам олмаётган, балки баттар чарчамоқда. Агар уни болалар оромгоҳига юборишнинг имконияти бўлмаса, қизиқарли тадбирлар уюштириб, бекорчи вақтини мазмунли ташкил этиш керак. Хиббонда сайр қилиш, шаҳар ташқарисига чиқиш, қишлоқдан шаҳарга бориш ёки аксинча, экскурсия уюштириш, театр, кинотеатр,

музейга ташриф буюриш боланинг ёзда мазмунли дам олиши гаровидир.

Авалл таом.

Бола ва ўсмир учун кунига 4 маҳал овқатланиш меъёрий ҳолат ҳисобланади. Рационда ёғсиз гўшт маҳсулотлари (қўй, мол, товук, курка) бўлиши мақсадга мувофиқ, Тухум, творог, сметана, қатиқ каби сут маҳсулотлари ҳафтасига 2-3 марта берилиши кифоя.

Нонушта учун сутли қўймоқ ёки дуқмакли маҳсулот — гречка, гуруч, сули ёрмасидан тайёрланган

калик ичадиган сувни тана оғирлигининг ҳар 1 кг.ига 20—30 мл тўғри келади. Сув ёки шарбатни овқатланиш пайтида ичиш тавсия этилмайди, уни овқатдан 30 дақиқа олдин ёки 1-1,5 соат ўтиб истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир. Кунига 150—300 г мева боланинг турли витаминларга бўлган эҳтиёжини қоплайди.

Ёз таҳдидлари.

Ёз чилласи 25 июндан 5 августга қадар давом этади. Уй шароити ёки стац-

пешиндан сўнг тушадиган инфракизил нур болага зарарлидир.

Сайрга чиққанда ёрқин рангдаги бош кийим ва табиий матодан тикилган либос кийилади. Сайрдан қайтгач эса боланинг танасини (аллергик тошма, ҳашорат қақиши, офтобдан тери куйиши) кўздан кечириш керак.

Сув ҳавзасида чўмилиш соғломлаштириш фаслининг энг фойдали машғулоти. Ҳеч қачон чўмилиш учун ёлғиз бормаслик, оқар сув, фавворага тушмаслик керак. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида "сувнинг тағига яшириниш", ўртоғини "сувга бўқтириш", "ким чуқур жойга қалла ташлаш" каби ўйинларнинг аянчли оқибатларини ҳаётий мисоллар орқали ўғил-қизларимизга аввалдан айтиб беришга одатланайлик.

Фаол жисмоний ҳаракат. Айрим ота-оналар болани кун бўйи ланж, лоҳас қиладиган ҳолатга солиб қўйганини сезмайди. Кун тартибига таълимга (ёзги таътил учун берилган топшириқ — бадий китоб муролааси, хорижий тил, математик сабоқларни мустаҳкамлаш) эътибор бериш билан бир қаторда ота-онага кўмаклашиш, қундалик ўрин-кўрпасини тўри-лаш, хонани йиғиштириш, уй хайвонларига қараш, ошхона ёки томорқага қарашли лозим. Ҳаракатли ўйинларга (спорт билан шуғулланиш, сайр, экскурсия) кўп вақт ажратиш ёддан кўтарилмасин.

Ўқорида келтирилган тавсиялар бўйича оптимал кун тартиби келиб чиқади:

- 7.00—7.30 — уйқудан туриш, ювиниш;
- 7.30—8.30 — эрталабки бадантарбия, чиникиш машқлари;
- 8.30—9.00 — нонушта;
- 9.00—12.00 — очиқ ҳавода сайр, чўмилиш, офтобда тобланиш;
- 12.00—13.00 — қизиқарли машғулотлар: шахмат, шашка, расм чизиш, тил ўрганиш;
- 13.00—13.30 — тушлик;
- 13.30—16.00 — кундузги уйку;
- 16.00—17.30 — сайр, ҳаракатли ўйинлар, экскурсия, театр, музейларга ташриф;
- 17.30—18.00 — кундузги нонушта;
- 18.00—19.00 — бўш вақт (қизиқишга қараб);
- 19.00—19.30 — кечки сайр;
- 19.30—20.00 — кечки овқат;
- 20.00—21.00 — бўш вақт (боланинг қизиқишига қараб);
- 21.00—21.30 — уйкуга тайёргарлик;
- 21.30—22.00 — уйку.



Кечқурун сут маҳсулотлари (йогурт, творог), сархил мевалар ёки сут билан ширин қулча кифоя. Оз миқдорда сабзавотли таом, қатиқ ёки олма уйку олдиндан энгил озуқадир.

Бола қанча суюқлик ичиши лозим? Унинг бир сут-

Кун тартиби амалиётдан келиб чиққан ҳолда тузилган. Белгиланган кун тартибини назоратда ушлаш ўғил-қизларимизнинг ёзги соғломлаштирилишида муҳим аҳамият касб этади. Кун тартиби жадвалини боланинг кўзи тушиб турадиган жойга илиб қўйинг. Унга амал қиладиган фарзандингизни рағбатлантириб боришни ҳам унутманг.

Шаҳноза АКРАМОВА,
педагогика фанлари номзоди


2016-yil 6-iyul, № 54 (8911)

Кун кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қарори матбуотда эълон қилинди. Ушбу қарорни кенг жамоатчилик мамнуният билан қарши олди. Истиқлол йилларида халқимизнинг асрий анъана ва қадриятларига муносабат тубдан янгиланди. Собиқ шўро даврида эскилик сарқити ёки бидъат деб қораланган расм-русумлар аслида халқимиз турмуш тарзидан жой олган маънавий қадрият экани намойён бўлди. Юртбошимизнинг 1992 йил 27 мартда эълон қилинган «Рўза ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида»ги фармони бу борада айниқса, жуда катта аҳамиятга эга. Ана шу санадан бошлаб мамлакатимизда ҳар йили Йўл Рамазон ҳайити катта байрам сифатида нишонланмоқда.

бўлади. Аммо очлик билан бу муаммодан халос бўлишнинг организмга ҳеч қандай зарар етказмаслиги илм-фанда исботланган. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги саломатлик ва тиббий статистика институти олий тоифали шифокори Насиба Акрамова рўза тутушнинг инсон саломатлигида тугган ўрни ҳақида фикр билдиради:

ки пайт сув, суюқ таомларга қўшилиб чиқиб кетади. Олимлар рўза тугган соғлом кишилар ўртасида сўровнома ўтказганларида, уларнинг бирортасида оч юриш туфайли касалликка чалиниш ҳолати рўй бермаган.

Бугун барча хонадонларда Рамазон ҳайити кенг нишонланади. Байрам дастурхони ноз-неъматларга тўла, энг муҳими юртимиз тинч, осойишта, кўнгиллар



Boqiy an'ana

ло, ҳар иккала ҳайитни муносиб тарзда нишонлаш бўйича Президентимизнинг қарори матбуотда эълон қилинади. Бу йилги Рамазон ҳайитининг шукронаси ва шукҳи ўзгача. Юртдошларимиз бу улуг байрамни тинч, осойишта муҳитда қарши олмақдалар. Кўп қаватли тураржой биноси бўладими, маҳаллами,

Рамазон шукронаси ва шукҳи!

— Дарҳақиқат, 2016 йил тақвимининг 6 июнидан бошланган рамазон ойида миллионлаб юртдошларимиз ўз сабр-қаноатларини синовдан ўтказиб, бу ойда рўза амалини адо этдилар. Ҳайит ана шу амалдан сўнг шукроналик қиладиган улуг айём кунидир. Бутун мусулмон оламида инсонларнинг ҳайит айёми билан бир-бирини қутлаш, совға-салом улашиши, бева-бечоралар ҳолидан хабар олиши, беморни бориб кўриши каби инсоний муносабатлар кузатилади. Баъзан бунинг акси — ўтган марҳумлар учун мотам тутиш, уч кунгача келиб-кетувчиларни кузатиш маросими ҳам гувоҳ бўламизки, бу ислом динида бидъат ҳисобланади. Савоб-гуноҳ ишларнинг ажри намойён бўладиган ой, дея таърифланувчи рамазон ойида инсон сабр-қаноат билан ўз нафсини жиловлаши барча кўринишлари билан намойён бўлади. Бунда фақат таом, сув еб-ичмаслик эмас, балки тилни нопок сўзлардан тийиш, ёлгон сўзламаслик, бировни гийбат қилмаслик, бева-бечораларга ёрдам қўлини



чўзиш, танани пок тутиш, Оллоҳга руҳан яқинлашиш кабилар ҳам назарда тутилади, — дейди Мирзо Улугбек тумани бош имом хатиби Эрдон Эсонов.

Рўза тутиш рўзадор учун тиббий жиҳатдан ҳам фойдалигини чуқурроқ ҳис қилиш мумкин. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳар кун 4-5 маҳал овқатланиб, соғ-саломат юрган кишининг организмида шиллиқ қават — хилт ҳосил бўлади. Уларни дори-дармон, шифобахш дамламалар орқали ҳам чиқариб ташласа

— Рўза соғлом одамларга фарз қилинган амал. Уни тутадиган киши меҳнат қилишга лаёқатли, касалликлардан холи бўлиши лозим. Унга сахарликда ейилган, ичилган егуликлар етарли. Ифторликка қадар бўлган вақт ичида рўзадор организмда кўпчилик ўйлаганидек сокин ҳолат эмас, балки ўзини ўзи бошқариш, янгилаш ва покляниш жараёни давом этади. Ошқозон-ичак, буйрак, жигарга тўпланиб қолган хилтлар очлик туфайли ўз ўрнида юмшайди ва кеч-

хотиржам. Улуг айём кунларида йўқлов, бир-бирини қутлаш, совға-салом улашишдек эзгу амалларга гувоҳ бўламиз ва бунинг жуда катта тарбиявий аҳамияти бор.

Зебо Қосимова, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти, педагогика фанлари номзоди:

— Мамлакатимизда бошқа миллий байрамлар қаторида Рамазон ва Қурбон ҳайитларининг кенг нишонлаши жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга. Ава-

қишлоқ ёки овулми, ҳамма-ҳамма хурсандчилик қилади. Ҳайит арафасида ўй бекалари ош дамлайди, бўғирсоқ, чалпақ, сомса пишириб, кўни-кўшига узади. Яқинлар дийдорлашади, бир-бирини қутлашади, совға-салом улашади, аразлашиб юрганлар ўртасида илиқ муносабат тикланади. Бу удумларнинг ҳамма-ҳаммасида халқимизнинг боқий қадриятлари муҳассам. Катталар томонидан адо этилаётган бу амалларни кўргач, воёга етиб келаётган ўғил-қизлар ана шу миллий урф-одатларни ўзлаштириб борадилар. Демак, хурсандчилик қилинадиган кун — ҳайитда ёшларнинг фикрий оламини бойтадиган, хулоса чиқариб, сабоқ оладиган жиҳатлар анчагина.

Рамазон меҳр-муруват, покляниш, сабр-қаноат турлича кўринишлари билан намойён бўладиган муборак ойидир. Унда буюрилган фарз амал — рўзадан сўнг ҳайитнинг нишонланишида эса чексиз ҳикмат мужассам. Улуг айём барчангизга муборак бўлсин!

Хулкар ТҮЙМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Ҳайитингиз муборак бўлсин!

Мамлакатимизда бу йилги Йўл Рамазон Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги тантанасини арафасида ўтаётганида ҳам чуқур раъзий маъно бор: асар мустақиллик бўлмаганида ҳайитларимизни бундай эркин, олмавий, шодиёна тарзида ўтказиш олмаз эдик. Айнан истиқлол сабаб мамлакатимизда диний бағрикенглик ва виждон эркилиги таъминланди, диний ва миллий қадриятларимиз тикланди. Президентимиз томонидан Рамазон ва Қурбон ҳайити кунлари умумхалқ байрами сифатида дам олиш кунини деб эълон қилинди.

Ҳайит — Аллоҳ таолонинг мўмин бандаларига зиёфат кунидир, уларнинг қилган солиҳ амаллари, тутган рўзалари эвазига улкан мукофот ва жаннат неъматларини ваъда қилган кунидир. Қуръони каримда бундай марҳамат этилади:

“Албатта, мана шу (жаннат неъматлари) улкан ютуқнинг ўзиндир. Бас, айнан мана шундай ютуқ учун амал қилувчилар амал қилсинлар!” (Софот сураси, 60-61-оятлар).

Пайғамбаримиз ҳайит кунининг кечасини Аллоҳдан катта мукофот олиш вақти деб атаганлар. Бу ҳадисни Ибн Аббосдан Ибн Хиббон ва Имом Байҳақийлар ривоят этишган. Кечагина барча мусулмонлар емак ва ичмакдан ўзларини

тийиб, фақат тоат-ибодат қилган бўлишса, бугун хурсандчилик ва шод-хуррамлик айёмига етишдилар. Юртдошларимизнинг саховати, меҳр-муруватини муборак ойда янада ошди. Кексалар, ногиронлар, етим ва муҳтожлар ҳолидан хабар олдилар, ўқсик кўнгилларни кўтардилар. Зеро, ҳайитнинг мазмун-моҳиятида кўнгилларга хушнудлик, севинч, жисмга роҳат бағишлаш, дўстлар, яқинлар ўртасида муҳаббат, қариндошлар, қардошлар орасида меҳр ришталарини янгилаш, кишиларни бир-бирга ёрдам ва саховат кўрсатишга чорлаш муҳассамдир. Ҳайит қувончи, байрам хурсандчилиги ҳар бир хонадонга, ҳар бир оиллага кириб бориши учун айнан шу

кунларда фитр садақасини бериш, закот ва бошқа хайр-эҳсонларни тарқатиш ҳам давлатманд кишиларга вожибдир.

Одатда байрамларда жамият ахлоқи, истак ва майллари, урф-одатлари ҳар қачонгидан-да гўзал жилваланади. Шу боис, Рамазон ойи давомида бўлгани каби, ҳайит арафасида ҳам меҳр-муҳаббат, ўзаро ёрдам, саховат, етим ва ҳожатмандлар ҳолидан хабар олиш, кексаларни қадрлаш, хурматларини жойига қўйиш, ота-оналарга ҳар қачонгидан кўра эътиборли бўлиш, умуман инсонлар ўртасида меҳр-оқибат янада кучаяди. Пайғамбаримиз ўзларининг ҳадиси шарифларида марҳамат қилганлар:

“Бева ва мискинга ғамхўрлик қилувчи киши Аллоҳ таоло йўлида сазъ-ҳаракат қилувчи ёки кечалари тоат-ибодат қилиб, кундузлари рўза тутувчи киши кабирдир”.

Албатта бу хайрли амаллар натижаси ўлароқ, Аллоҳ таолонинг изни ва иродаси билан шу юрт, унда умргузоронлик қиладиган ин-

сонларга раҳмат нурлари ёғилади. Мисол учун миришкор деҳқонларимизнинг машаққатли меҳнатлари айни шу ойда ўз самарасини бергани, яъни, улар бунёд этган улкан ғалла хирмони ҳам юқоридаги фикримиз исботидир. Албатта, мисли кўрилмаган меҳнат зафари дилларимизга ғурур ва ифтихор бағишлади. Бу ҳам мўмин-мусулмонларимизнинг Аллоҳнинг берган неъматларига шукр қилиб, уларни зиёда этишни сўраб қилган дуолари ижобатдир.

Энг асосийси, юртимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда. Бу неъматнинг қадрига етмоғимиз, асраб-авайлаш учун ҳар биримиз ҳаракат қилмоғимиз, бунини ёш авлод онгига чуқур сингдирмоғимиз лозим.

Рамазон ҳайити барчаларимизга муборак бўлсин! Эл-юрт равнақи, бахт-саодати йўлидаги хайрли ва савобли ишларда Аллоҳ таолонинг Ўзи мададкор бўлсин!

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ,
Юнусобод туман бош имоми

Кўёш она заминимиз узра аста-секин бош кўтарди...
Осмонулар бинолар қад ростлаган шаҳару замонавий қиёфа касб этиб бораётган чекка-чекка қишлоқларимизда хотиржам бешик тебратиби, тонгни қарши олаётган оналар алласи янграйди. Ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, тожик, татар ва бошқа тилларда айтилаётган бундай сеҳрли кўшиқларда ўзаро муштарак мазмун бор. У ҳам бўлса, фарзандларнинг камоли жонажон Ўзбекистон тараққиёти билан боғлиқ экани, юрт тақдирига дахлдорлиги эътироф этилади.

Чиндан ҳам, юртимизда қадим-қадимдан турли миллат вакиллари бир-бири билан тинч-тотув ҳаёт кечириб келади. Ҳар бир янгилаш, ислохот айнан миллатлараро бағрикенглик тамойили асосида олиб борилиши, иймон-этиқод ва виждон эркинлиги қонуний ҳужжатларимизда мустақамлаб қўйилгани сабаб мамлакатимиз 130дан ортиқ миллат ва элат вакиллари ахил-иноқ ҳаёт кечираётган ягона оила сифатида

қиритилаётган ютуқлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Илк йилларданоқ республика ҳудудида яшаётган барча халқлар тенг экани белгилашиб, аъналар ва урф-одатлар, дин, тил ва маданият борасида толерантлик ғоясига ҳиддий риоя қилиш устувор вазифа — миллий ва умуминсоний бурч сифатида белгиланди. Албатта, уларнинг ҳуқуқий томондан тенглиги ҳам қонуна қаролатилди. Хусусан, Ўзбекистонда 1991

кур йўналишдаги ишларнинг изчил давомидир. Аънавий тарзда ўтказилаётган мазкур тантана жорий йилнинг март ойидан Фарғона вилоятида бошланиб, ноябрь-декабрь ойида Тошкент шаҳрида якунига етиши режалаштирилган. Фестиваль доирасида "Миллий ва диний бағрикенглик — барқарорлик омили", "Қудратимиз — бирлик ва ҳамжихатликда" мавзуларида давра суҳбати, "Соғлом аялдор тарбиясида миллатлараро тотувликнинг ўрни" мавзусидаги илмий-амалий семинар ҳамда "Биз — сенинг фарзандларингиз, Ўзбекистон!", "Соғлом она, соғлом бола — миллат бахти" шиорлари остида миллатлараро ахиллик акс этган тасвирий санъат асарлари, миллий либослар, хунарманчилик маҳсулотлари, миллий таомлар кўргазмаси ташкил этилди.



Ўзбекистон — umumiy uyimiz

бешга яқин миллат вакиллари таълим олиб, ўзлари танлаган касб сирларини ўрганмоқда. Бу ерда улар мамлакатимиз равангаига муносиб ҳисса қўшадиган мутахассислар бўлиб етишиши учун ҳамма кулайлик бор. Шунингдек, мустақиллик йилларида нодавлат-нотижорат ташкилот ҳисобланган миллий-маданий марказлар фаолиятининг тақомиллашгани эътирофга лойиқ.

Бугун мустақиллигимизни мустақамлашга қўшган ҳиссалари учун Ўзбекистон Қаҳрамони ва бошқа юксак унвонларга сазовор бўлганлар орасида турли миллат вакиллари борлиги, мамлакатимизда фаолият юритаётган миллий-маданий марказларининг раҳбарлари ва фаоллари дав-

чон ирқчилик ва радикал кайфиятдаги оломон эҳтирослари билан қоришиб кетган. Натижада кунора қонли тўқнашувлар, можаролар, хунрезликлар содир бўлмоқда, муҳим жиноятлар қалбларни ларзага солмоқда.

Шундай экан, дунё тинчлигини сақлаш учун аввало мамлакатлар тинч бўлиши лозим. Давлат тинчлигини таъминлаш учун эса унда яшаётган турли миллат ва элатларнинг ахилликда ҳаёт кечириши афвол муҳимдир. Бунинг учун, аввало, мамлакат фуқаролари тинчлик тарафдори бўлиши лозим. Шунда юрт раванга топади, тинчлик-фаровонлик ҳукм суради. Бироқ тинчлик учун фақат истакнинг ўзи камлик қилади. Меҳр-оқибат, инсонпарварлик туйғуси бўлма-

Миллатлараро бағрикенглик тамойили

Ўзбекистонимиз тараққиётида муҳим ўрин эгаллайди

тилга олинади. Меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат тушунчаларини юксак даражада қадрлайдиган, меҳмондўстликни хуш кўрувчи миллатимиз бир осмон остида ягона оила бўлиб яшаб, мустақил Ватанимиз равангаи учун меҳнат қилмоқда.

Инсон инсонга бегона эмас!

Жаҳон урушлари захматини кўрган, қийинчиликларни азобини тортган бобои буви-ларимиз қийин шароитларда, оғир меҳнату машаққат остида улғайган. Шу боис улар бугунги дорилмомон кунларда туғилиб, бекаму-кўст ўсиб, камол топаётган ёшлардан кўра, фаровонлик, тинч-тотувлик, ўзаро ҳурмат, ҳамдардлик каби қадриятларни яхши тушунади, бу борада астойдил қувониб гапиради. Кексаларимиз мамлакатимиз мустақилликка эришгунга қадар ҳар қадамда камситилиб, миллатчилик, маъмурий буйруқбозлик иллатлари жафосидан кўп бора азият чеккани ҳақида надомат билан сўзлаши бегиз эмас.

Бироқ дунёда ҳеч нима ахилликка, ўзаро дўсту иноқ бўлиб яшага етмайди. Зеро, тили, эътиқоди, тарихи, дунёқарashi, урф-одату қадриятлари хилма-хил бўлган кишиларни нима бирлаштиради? Эзгу мақсадлар, орзу-интилишлар, келажакка ишонч. Бу туйғулар жонотлар ичида фақат инсонга хос. Демак, бизни, яъни сайёрамизнинг турли нуқталарида яшаётган миллату элатларни инсон деган ном бирлаштириб туради.

Инчунин, одамлар ўзаро тотув, иноқ яшаса, бағрикенглик, тинчлик, инсонпарварлик тамойилларига қатъий амал қилса, ниҳоятда қудратли кучга айланади. Эзгулик қуёшдан минг қарра кўпроқ қувватга эга бўлади.

Буни Ўзбекистонимиз мустақил бўлиб, халқимизнинг тинч ҳаёт кечириши, маданийлараро дўстлик ришталарининг боғланиши ва мустақамлашни борасида қўлга

йили БМТнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси" ратификация қилинди. Энг асосийси, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликка эга экани, жинси, ирқи, миллати, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенг экани белгилаб қўйилди. Дийримизда яшаб келаётган халқлар ўртасида ўзаро дўстликни мустақамлаш мақсадида 1992 йилнинг январь ойида Республика Байналмилал маданият маркази ташкил этилди. Бугун миллий-маданий марказлар сони 140тага етгани, мазкур йўналишдаги ташкилотларни тузиш бўйича 15га яқин ташаббускор гуруҳ иш олиб бораётгани ҳам мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикдан нишонандир. Яхши кўшничлик алоқаларини йўлга қўйган Ўзбекистон бошқа мамлакатлар билан ҳам иқтисодий, маданий, бир сўз билан айтганда, кўптомонлама дипломатик муносабатлар ўрнатиш орқали миллатлараро ҳамжихатликни таъминламоқда.

Ўзбекистон — катта оила!

Республика Байналмилал маданият маркази, Маънавият тарғибот маркази, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ҳар йили қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бунда асосий эътибор мамлакатда олиб борилаётган демократик ислохотларни тўлақонли ёритиш, фуқаролар тинчлиги ва ахиллигини мустақамлаш борасидаги миллий-маданий марказлар фаолиятини рағбатлантиришга қаратилади.

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги ҳамда Соғлом она ва бола йилига бағишлаб "Ўзбекистон — умумий уйимиз" республика VI дўстлик ва маданият фестивалининг ўтказилиши ҳам маз-

дўстлик ва маданият фестивали иштирокчи миллат ва элатларнинг кўлиги, турфа аъналар ва урф-одатларнинг намойиш этилгани сабаб янада қизиқарли ва унутилмас бўлди. Хусусан, Навоий вилоятида миллий либосда қўйлағам «Ивушка» рус халқ хори, «Дурдона» қозоқ миллий этнографик ансамбли рақси, «Байрам» татар-бошқирд халқ ансамблидан жамоавий ихро этилган ашула, «лачак қўйиш» маросимини кўнаво журлигида кўрсатган «Сардоба» халқ фольклор-этнографик ансамбли томошабинларда катта таассурот қолдирди. Шўх куй-қўшиқлар, халқларнинг миллий рақслари ва иштаҳоначор назм-неъматлар тортиланг дастурхон барча меҳмонларга манзур бўлди. Қашқадарё вилоятида ҳам фестивал мумтоз ҳамда замонавий миллий мусиқа, ашула ва рақс фольклор асарлари, якяхон ижрочилар, тасвирий ва амалий санъат намуналари каби шартлар асосида ташкил этилиб, широкчилар 24 йўналиш бўйича баҳолаб берилди. Бухорода ташкил этилган танловда эса 40 нафар муаллифнинг 80дан зиёд асари кўриб чиқилиб, "Ўзбекистон — умумий уйимиз", "Бунёдкорлик — тараққиёт омили", "Аждодлар мероси — ёшлар эъзосида" каби номинациялар бўйича голиблар аниқланди.

Исботи армонда эмас, амалда!

Фестивалнинг Навоий вилояти босқичида Республика Байналмилал маданият маркази директори Насриддин Мухаммадиев мамлакатимизда етти тилдаги умумтаълим мактаблари фаолияти йўлга қўйилганини таъкидлади. Уларнинг 251тасини тожик, 47тасини туркман тилидаги таълим муассасалари ташкил қилади. Биргина Сурхондарё вилояти мисолида олиб қарасак, мустақиллик йиллари тубдан янгиланган Термиз давлат университетида ўн



тимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан тақдирлангани замирида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда турли миллат вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатлари тўлақонли таъминлангани, улар доимий эътиборда экани мужассам. Жумладан, Наманган вилояти корейс миллий маданият маркази раҳбари Лариса Ни ҳам мазкур эътибор натижасида "Шухрат" медалига сазовор бўлган.

Миллатлараро тотувлик ғояси бир жамиятда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қилаётган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжихатликни қарор топтириш ва мустақамлашнинг маънавий асоси, мамлакат тараққиётининг энг муҳим омилдир.

Дарвоқе, ўтган йили "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар ва унинг ривожланиш тенденцияларига бағишланган ижтимоий сўровнома ўтказди. Унда иштирокчиларнинг 99,6 фоизи Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик дийеримизнинг мустақилликдан кейинги энг улкан ютуғи экани айтилган. Ҳа, чиндан ҳам бугун дунёнинг қўллаб мамлакатларида тинчлик, ахиллик, фаровонлик, обод турмуш масалалари эришиб бўлмас чўққига айвониб улгурган. Аксарият давлатларда миллатлараро бағрикенглик ва диний толерантлик тушунчалари аллақ-

са, қўзланган натижага эришиб бўлмайди. Фақат инсонпарварлик туйғусигина дин, тил ва бошқа жиҳатлар ўрнатган кўринмас деворларни олиб ташлашга қодир.

Бугунги мураккаб ва тахликаллик замонда қўллаб халқлар бағрикенглик хислати нечоғли улкан қудратга эгалигини англаб етмоқда. Бу ҳусусият инсонларни яқинлаштиради, ошқора ёки пинҳона зиддиятларга барҳам беради. Миллатларнинг ўзаро тенгликда яшashi эса жамиятга бўлган ишонччи, хайрихоҳликни оширади. Зеро, бугунги давр кишилари ўзлари ишонмаган, келажакни кўролмаган «карвон»га эргашмайди.

Мустақил Ўзбекистонимиз ҳам ўтган 25 йил ичида ўз бағрида тонглар оттираётган халқларнинг тинч-тотув ҳаёт кечириши, миллатлар ва элатлар маданияти бардавом эканини таъминлашга доир салмоқли ишларни, чора-тадбирларни амалга оширди. Бунга ҳар қадамда, ҳар бир жамоада гувоҳ бўламиз. Халқимиз нишонлаётган байрамлар биз билан елкама-елка яшаб, меҳнат қилаётган миллат вакиллари учун ҳам байрам, бизнинг мақсадларимиз уларнинг ҳам мақсади, бurchимиз бurchи, орзуларимиз орзуси. Бу эса юртимизда яшаётган ҳар бир миллату элат вакилининг дидада "Ўзбекистон — умумий уйимиз" шиори баралла жанрлаб, яшаши, яратishi ундаётган-дан дарак беради.

Ҳамида УСМОНОВА,
"Ma'rifat" муҳбири


2016-yil 6-iyul, № 54 (8911)

Маррани забт этишнинг осон йўли

Вулверхемптон ва Шеффилд университети олимлари агар инсон ўзини "Мен бошлаётган ишнинг уйда-лай оламан" ёки "Бундан ҳам яхши натижани қўлга киритишим мумкин", деб ишонтира, имкониятлари сезиларли даражада ошишини аниқлади.

"Frontiers in Psychology" журналида келтирилишича, олимлар инсон шижоатининг мустақамлигини турли мотивация воситалари ёрдамида синаб кўрди. Тадқиқотта 44 минг нафар кўнгилли жалб этилди. Иштирокчилар 12 гуруҳга бўлинган ҳолда машгулотларда қатнашди. Улардан махсус квадрат ичига тасодифий киритилган 1 дан 36 гача бўлган сонларни кетма-кет босиш талаб қилинди. Тажриба вақтида машқни бажара туриб, ўзига-ўзи далда берган кишиларнинг режалаштирган иши тезроқ амалга ошгани, натижа ҳам юқорироқ бўлгани аниқланди. Бундай инсонлар бошқа машгулотларга ҳам тезкорлик билан киришиб кетган ва вазифани биринчи бўлиб бажарган.

"Мен энг яхши натижани кўрсатаман", "Буни тезроқ амалга ошира оламан" каби далда берувчи сўзлар ҳам руҳиятда ижобий ўзгаришлар рўй беришини таъминлар экан. Олимларнинг таъкидлашича, инсон ўз-ўзини овоз чиқарган ҳолда бирор ишни қилишга ундаши орқали вазифани бажаришга бўлган хоҳиши ва ички имкониятлари ортади, ҳаяжони эса камайди. Бундай усулдан ортиқча вазндан халос бўлишни истаган ва ҳаётини муаммолари кўплигидан тушкун ҳолатда юрган инсонлар фойдаланса, янада яхшироқ самарага эришади.



Сарёғнинг ози беэиён

АҚШнинг Тафтс университети олимлари сарёғни кам миқдорда истеъмол қилиш айрим тоифадаги беморлар соғлиғи учун хавфли эмаслигини аниқлади.

"The Times of India" нашрида келтирилишича, сарёғни истеъмол қилишда соғлиқ учун хавф туғдирмайдиган миқдорни билиш мақсадида мутахассислар тадқиқот ўтказди. Бунинг учун 15та давлатдан 6,5 миллион инсоннинг овқатланиш раиони ва касаллик варақаси таҳлил қилинди. Тадқиқот ўтказиш вақтида 30 минг нафар инсон ҳаётдан кўз юмган, 10 минг кишида юрак-қон томир касалликлари билан боғлиқ аломатлар, 24 минг кўнгиллида эса қанд касаллигининг иккинчи гуруҳи аниқланган.

Юрак-қон томир хасталиклари билан оргнган аксарият беморлар сарёғ истеъмол қилишдан чўчиди. Бироқ тадқиқотда мазкур қўрқув ўринсиз экани исботланди. Мутахассислар эса фойдали маҳсулотларни чекламасдан туриб, истеъмол қилинаётган бошқа маҳсулотларга эътибор қаратиш кераклигини таъкидлади. Хусусан, тегишар таомлар — «фастфуд»ларни мунтазам ейиш саломатликка хавф туғдиради.

Сарёғ ейишдан шунчалик қўрқсангиз, у ҳолда маргарин, соя ва зайтун ёғини ишлатишингиз, таомга қўшишингиз мумкин.

Ихчам томограф яратилди

"Мауо" клиникаси ва "General Electric" компанияси мутахассислари одатдаги томографдан анча кичик бўлган магнит-резонанс томография текширувларини ўтказувчи асбоб устида саккиз йилдан бери илганиш олиб бормоқда, деб ёзлади "МедВестни" мабсасида.

Янгиси тўлиқ ўлчамдаги томографдан уч баробар кичик бўлгани учун бир қадар арзон. Мазкур ихчам қурилма тиббиёт муассасаларига ўрнатилганда кўп жойни эгалламайди. Шунингдек, улар орқали беморларни осонгина текширувдан ўтказиш мумкин. Бунда инсон танасини қурилма ичига киритиш шарт эмас.

Лондон Империял коллежи (Imperial College London) нейрофизиологлари диэтилаид лизергин кислоталар таъсири остида бўлган инсоннинг бош миёси фаолиятини МРТ орқали ўрганди. Илгари бундай тадқиқотлар сира ўтказилмасди. Дарвоқе, анъанавий томографларнинг ички қисмига ўрнатилган магнитни совутиш учун 2 минг литр суёқ гел талаб этил-



са, ихчам томограф учун 12 литр кифоя қилади.

Янги қурилма беморларнинг боши ва айнақса, қўлоёқ панжаси, тиззасини томографик текширувдан ўтказиш вақтида асқотади. Ихчам томографда олиб бориладиган жараёнлар мутлақо оғриқсиз, безарар. Уни янада мукамал ҳолатга келтириш учун яқин кунларда яна 300та томографик тадқиқот ўтказилади. Бунда саратон, инсулт, Альцгеймер ва руҳий касалликларга чалинган беморлар ҳам кўнгилли сифатида таклиф этилиши режалаштирилган.

Озон қатлами кенгайишдан тўхтади

Массачусетс технология институти, Лидс университети ва Атмосфера тадқиқотлар миллий маркази олимлари хабар беришича, 2015 йили Чилида Кальбуко вулкани отилгани ҳамда бошқа табиий ва антропоген омилларга қарамай, Антарктида океани устидаги Озон тўйнуғи аста-секин кичрайиб бормоқда.

"Nature" журналида эълон қилинган мақолада келтирилишича, мазкур тўйнуқ 2000—2015 йиллар оралигида 4,5 миллион квадрат километр қисқарди. Маълумки, Озон қатлами Ерни Кўёй радиациясининг ортиб кетишидан ҳимоялаб туради. Унинг емирилиши эса инсонларда тери саратонининг юзага келиши, денгиз ўтлари ва жониворларнинг ўлимига сабаб бўлади.

Сўнгги 50 йил ичида замонавий технологиялар ишлаб чиқарилиши, кўплаб саноат корхоналари қурилиши туфайли «кенгайиш майдони» ҳам катталашиб борди. Бундай хавф олдиндан аниқланиб, 1985 йили Озон қатламига хавф туғдирувчи технологиялардан фойдаланишни чекловчи Монреал протоколи имзоланганди. 2008 йили эса жадал кенаётган "емирилиш" жараёни муаллақ ҳолатга келди, 2014 йилдан бошлаб эса аҳвол бирмунча яхшиланигани маълум бўлди.

Озон тўйнуғи 1985 йили илк марта Ернинг жанубий яримшаридида аниқланган бўлса, бутун уларнинг сони ортган. Бироқ уларнинг энг хавфлиси Антарктида устида ҳосил бўлган тўйнуқдир. Кузатувларга кўра, 2000 йили Антарктида устидаги Озон қатлами билан боғлиқ максимал ўлчам қайд этилган. "Live Science" журналида келтирилишича, атмосферада ўн ва ҳатто юз йил сақланиб турувчи фреон газларининг мавжудлиги сабаб Озон қатламини тиклаш бўйича муаммолар мавжуд.

Тадқиқот гуруҳи раҳбари Сюзан Солломоннинг таъкидлашича, Антарктида устидаги Озон тўйнуғининг кичрайишини зарарли кимёвий молдаларнинг камроқ ишлатилиши ва экосаводхонликнинг ортиши билан изоҳлаш мумкин. Бунда кондиционер, музлаткич каби техник воситалардан мақсадли фойдаланиш орқали мазкур қатламни янада яхшилаш мумкин.

Мукамал пластик идиш

Огайо штати университети муҳандислари пластик идишлар яратиш бўйича янги технологияни патентлаштирди, деб маълум қилди "EurekAlert".

Унинг ички юзаси совун, шампунь ёки идиш ювиш воситалари каби суёқ молдаларнинг сўнгги томчисигага фойдаланиш имконини беради. Ички девори полипропилендан ишланган бўлиб, идиш юзасида суёқлик томчиси сақланиб қолмайди. Мазкур микрокопик тузилишни яратиш мақсадида кремний ва кварцдан тайёрланган нанозаррачалардан фойдаланилди. Бундай идишлар озиқ-овқат маҳсулотлари сақлаш учун ихтиро қилинган бўлса-да, улар тозалаш воситаларидан фойдаланиш чоғида айрим ноқулайликларни келтириб чиқарди.

Шунингдек, мазкур идиш иссиқ-совуққа чидамли, енгил ва синмайди диган бўлгани учун харидоригир бўлиши кутилмоқда.

Ҳамида УСМОНОВА тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси "Халқ таълими" журнали бош муҳаррири Сарвар Маҳмудовга отаси

Йўлдош отанинг

вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази раҳбарияти ва касба уюшмаси кўмитаси Марказ ҳузуридаги Идоравий метрологик хизмат бошлиғи Б.Собировга опаси

Шафоат Тўхтаеванинг

вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама • эълон • реклама

Тошкент давлат шарқшунослик институти куйидаги вакант лавозимларга танлов (конкурс) эълон қилади:

1. "Араб филологияси" кафедраси: кафедра мудирини — 1 ўрин.
2. "Таржима назарияси ва амалиёти" кафедраси: кафедра мудирини — 1 ўрин.
3. "Хитой тили ва адабиёти" кафедраси: кафедра мудирини — 1 ўрин.
4. "Педагогика ва психология" кафедраси: кафедра мудирини — 1 ўрин.
5. "Хорижий мамлакатлар тарихи" кафедраси: кафедра мудирини — 1 ўрин.
6. "Марказий Осиё халқлари тарихи" кафедраси: кафедра мудирини — 1 ўрин.
7. "МДХ ва Яқин Шарқ мамлакатлари иқтисодий ва мамлакатшунослиги" кафедраси: кафедра мудирини — 1 ўрин.

Эълон чикқан кундан эътиборан бир ой ичида куйидаги хужжатлар топширилиши лозим:

1. Ректор номига ариза.
2. Шахсий варақа (рангли фотосурат билан).
3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида диплом, малака ошириш сертификатлари.
4. Белгиланган талабларга кўра эгаллаш лавозими асосида тегишли мутахассислик бўйича маъруза ўқишда чет тили (инглиз, немис, француз тили) ва информацион технологиялардан фойдаланиш кўникмаси (сертификат ва малака ошириш курслари асосида).
5. Тасдиқланган илмий ва илмий-услубий ишлар рўйхати.

Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 25-уй.
Тел: 233-44-36; 233-02-38.

Gurung

Ибн АРАБШОХ

Сохибқирон
хикоялари

Бир куни падари бузрукворимиз — Амир Тарағай баҳодир кўп кўйларни менга бериб, Самарқанд бозорига савдога йўлладилар. Кўйларнинг ҳаммасини минг олтинга сотиб, пулларни белга боғлаб сайр қилиб юрур эдим. Бир ерда хушовоз қаландар одамларга сўзлаб тургон экан: кўлида қоғоз — шеър битилган, у дер эди:

— Шул ёзунинг қадрига етиб, ким минг олтунга олса, дунёнинг охирига етади...

Ҳимматим жўшиб, минг олтуни қаландарга тутқаздим. У менга тикилиб турди-да, сўнг насл-насабимни сўради. Айтдим. Сўнг тайин қилди:

— Отанг олдига борғил, буни отанг олдида ўқи, борғунча очма...

Қоғозни келтириб, падари бузрукворга бердим. Очиб ўқидилар. Форсча рубоий экан — маъноси куйидагича: зулм билан дунёда ном қолдириб бўлмайди. Жамшид, Сулаймон, Искандарлар ўлиб кетди, навбат сенга ҳам етиши тайин. Дунёга келдингми, яхшилик билан ном қолдир...

Рубоийнинг муаллифи — ўшал қаландар — аллома шоир Камол Хўжандий эркан. Ул зотни падари бузрукворимиз кўп хурмат қилар эрканлар.

— Баракалло, ўғлим, кўп доно ишга олтуларни сарф этбасан. Энди, минг олтунга олгон ушбу ҳикматга қатъий риоя қилмоқ лозимдур...

Падари бузрукворнинг айтқонларини бош устида тутдим.

(Исмоил Аканинг «Буюк Темур давлати» китобидан.)

Унақа экан, бунақа экан, шунақа экан, бир вақтда Абдурахмон деган камбағал-бечора бор экан. У бир куни кетмонини олиб, елкасига солиб, кетиб қолиб, Мерган деган жойга етиб қолган экан. Худойниёз деган бойга мардикор тушган экан. У беш-олти кун ишлаб, ҳолдан кетиб: «Энди уйимга нима олиб бораман», деб бойнинг эшигидан ўтиб кетаётди дарвозасини тақ-тақ урибди. Бой чиқиб:

— Хизмат? — дебди. Абдурахмон:

— Шундай чиқиб қолиб эдим, чарчаб-толиб эдим, бой акам бир нима дерми-кан, деб келиб эдим, — дебди. Бой уни киргизиб, остонага ўтқизиб, тўртта нонни патнисга солиб чиқиб:

— Чой ўтганда келдингиз, энди мана шу нондан еб кетинг, — деб нонни олдига қўйди. Абдурахмон ноннинг иккитасини еб, иккитасини кўйнига солибди. Бой буни кўриб: «Иккитасини еди-ку. Иккитасини олиб, кўйнига солгани нимаси», деб аччиғи келиб:

— Абдурахмон, кўнглингизга келмасин. Сизни-ку, мен чақириб келганим йўқ, ўзингиз келдингиз. Олдингизга қўйган тўртта ноннинг иккитасини еганингиз еган, иккитасини олиб кўйнингизга солганингиз нимаси? — дебди. Абдурахмон:

— Бола-чақага олиб борай, деб эдим, — дебди. Бой туриб:

— Мен бола-чақангнинг қафилани олганим йўқ. Ега-

нингни единг, қолгани қолсин! — деб кўлидан нонни олиб қолибди.

Абдурахмон уйига бориб қолибди, ухлаб қотиб қолибди. Эрта билан туриб, аста-секин юриб, дарё лабига бориб ўзидан-ўзи ўйлаиб: «Уйга борай десам, узок бўлса, чопишимни қилай десам, кун иссиқ бўлса, яхшиси бирон нарсани эрмак қилайин», деб чайла тўкибди. Чайлани дарёга солибди. Қараса, салқин бўлиб қолибди. Бориб чопиғини чопиб, кечқурун кетиб қолибди. Эрта-лаб ҳалиги чайлани кўтариб қараса, бир катта балиқ илиниб қолибди. У балиқ сариқ, кўк, оқ бўлиб товланар экан. «Бу балиқни емайин, подшога олиб борайин, подшо бир нима берай», деб подшонинг олди-га борибди. Подшо:

— Нима олиб келдинг? — деб сўрабди. Абдурахмон:

— Мен меҳнаткаш қулин-гиз дарёга чайла ташлаб қўйсам, мана шу балиқ илиниб қолибди. Сизга манзур бўлмиш билиниб қолибди. Кечаю кундуз юртимизни сўраб турган подшомизни кўрсам, деб юрган эдим. Худого шукр, шу балиқ баҳониси билан му-

родимга етдим, — дебди. Подшо балиқни кўриб, ундан гап сўрабди:

— Балигинг тирикми, ўликми? — дебди. Абдурахмон:

— Тақсир, тирик, — дебди. Подшо:

— Балиқнинг тириклиги нима билан? — дебди. Абдурахмон:

— Балиқнинг тириклиги сув билан бўлса, балигини ол, ана у ховузга сол! — дебди. Абдурахмон қуллук қилиб балиқни олибди, сувга солибди. Подшо қараса, ховуздаги балиқларнинг ҳаммаси бу балиқнинг атрофида таъзим билан гирдижапалак бўлиб айланиб юришибди. Подшо буни кўриб, хурсанд бўлиб, хазиначини чақириб:

— Шунга минг танга инъом қилдим: олиб чиқиб бер! — дебди. Хазиначи минг тангани олиб чиқиб берибди. Абдурахмон қуллук қилиб кетган экан, йигирма қадам нарироққа етган экан. Подшо вазири-нинг ғайирлиги келиб, подшога:

— Сизга нима бўлди? Сизга одамлар тулпор от, ғайри ажойиб нарсалар олиб келганда, уларга йи-

Ҳадислар

Оиша (разияллоху анҳо) ҳазрат Расулуллоҳ (САВ)нинг хулқлари ҳақида шундай деб ривоят қилдилар: «Расулуллоҳ ортиқчаликка йўл қўймадилар, уни ўзларига такалуф қилмас эдилар, бозорларда шовқин солмас эдилар, ёмонликка ёмонлик билан жавоб бермас эдилар, лекин афв қилардилар ва кечирардилар».

Оиша (онамиз) шундай ривоят қилдилар: «Ҳадичага рашк этганимдек Расулуллоҳ (САВ) хотинларига рашк этмадим. Мен аслида Ҳадичани кўрмагандим, лекин Расулуллоҳ Ҳадичани кўп эсга олганлари учун рашк келарди. Агар бирон кўп сўйсалар, Ҳадичанинг дўстларини йўқлаб уларга ҳадя қилиб насибалар юборар эдилар».

Абу Исо айтурки, бу ҳадис ҳасан ғариб саҳиҳдур.

Абу Ҳурайра шундай ривоят қилди: «Бир киши Набий(САВ) ҳузурларига келиб: «Менга бир нараса ўргатинки, қисқа бўлсин, уни ёдим-да сақлай», деди. Расулуллоҳ(САВ): «Ҳазабланма», деб бир неча бор такрор айтдилар. Бошқа пайт ҳам ҳар гал: «Ҳазабланма» дер эдилар».

Анас ибн Моликнинг айтишича, ҳазрат Расулуллоҳ(САВ) шундай деганлар: «Қайси бир ёш киши қари кишини хурмат қилса, у кексайданида ўша хурматини кўради».

Абу Сауднинг ривоят қилишича, ансорийлардан бир гуруҳи Набий(САВ)дан мол талаб қилдилар — бердилар, яна сўрадилар, яна бердилар. Кейин айтдилар: «Нимаики менда бўлса, сизлардан аямайман. Кимнингки назари тўқ бўлса, Оллоҳ таоло уни бой қилади, кимки ўзини ифбатли тутса, Оллоҳ таоло уни ифбатли қилади, кимки ўзини сабр-қаноатга ўргатмоқчи бўлса, Оллоҳ таоло уни сабр-қаноатли қилади. Ҳеч бир кишига Оллоҳ таоло сабрдан кўра яхшироқ ва кенгроқ хулқ ато этмади».

Абу Ҳурайранинг ривоят қилишича, ҳазрат Расулуллоҳ(САВ): «Оллоҳ таоло ҳузуринда қиймат кунда иккиюзламачи кишилар энг ёмон одамлардан ҳисобланадилар», деганлар.

Ҳаммом ибн ал-Ҳориснинг айтишича, Ҳузейфа ибн ал-Ямон ёнидан бир киши ўтиб кетаётган эди, атрофдагилар унинг ҳақида, бу киши одамлар ҳақида амирларга гап етказиб туради, дейишди. Ҳузейфа эса шундай деди: «Ҳазрат Расулуллоҳ(САВ)дан эшитдимки, чақичилар жаннатга кирмайди, дедилар».

Ибн Аббоснинг ривоят қилишича, ҳазрат Расулуллоҳ(САВ) шундай деганлар: «Икки хил неъмат борки, кишилар унинг қадрига етмайдилар, бу танисоғлик ва бўш вақтдур».

Kenja botir

Шилла балиқ

Ўзбек халқ эртаги

гирма танга, ўттиз танга, қирқ-эллик танга, жуда кўп бўлса, юз танга берар эдингиз. Нимага бир тангага олмайдиган балиқ учун минг танга бериб юбордингиз? Ҳали ҳам бўлса қайтиб олинг! — дебди. Подшо:

— Эй вазир, мен юз танга бер дейман, деб минг танга бериб юборибман. Энди қандай қилиб қайтариб оламан? — дебди. Вазир:

— Буни қайтиб олиш осон. Сиз уни чақириб олиб: «Мен сендан бир гап сўрайман деган эдим, эсимдан чиқибди. Олиб келган балигинг эркаки, ургочими?» деб сўрайсиз. Агар эркак деса, ургочисини топиб кел, дейсиз. Агар ургочи деса, эркагини топиб кел дейсиз. Подшо вазири-нинг сўзи билан Абдурахмонни чақириб олиб:

— Мен сендан бир нарсани сўрайман. Олиб келган балигинг эркаки, ургочими? — дебди. Шунда Абдурахмон:

— Балиқни олиб келиш биздан, балиқнинг эркаки, ургочими эканлигини, фуқаронгизнинг бою камбағаллигини билиш сиздан, — дебди. Подшо бунга гап топа олмай, яна минг танга

инъом берибди. Абдурахмон яна минг тангани олиб, этагига солиб кетаётганида, бир тангаси ерга тушиб кетибди. Уни олиб, этагига солиб кета берибди. Вазир буни кўриб:

— Тақсир, кўрдингизми, бу жуда назари паст одам экан. Шунча тангадан бир тангаси ерга тушиб кетса, шуни ҳам энгашиб олди, этагига солди. Икки минг тангани қайтариб оладиган гап топилиб қолди, — дебди. Подшо вазири-нинг гапи билан Абдурахмонни чақириб олиб:

— Мен сени туппа-тузук одам десам, сен нокас одам экансан. Менинг орқамдан шунча наф олдинг, этагинга солдинг. Жўнаб қолдинг. Қараб турсам, этагиндан бир танга тушиб қолди. Назаринг пастигидан бир тангани ҳам қолдирмай, энгашиб олдинг. Шунга олмай кета берганингда ишим йўқ эди. Энди этагингга икки минг тангани ташлаб кет! — дебди. Абдурахмон:

— Тақсир, шу тангани олмас эдим, аммо тангада сизнинг номингиз ва сура-тингиз бўлгани учун ерда қолмасин деб олдим, — дебди.

Подшо Абдурахмоннинг бу гапидан хурсанд бўлиб, хазиначини чақириб Абдурахмонга яна минг танга инъом қилибди. Абдурахмон уч минг тангани олиб, этагига солиб кетган экан, муродига етган экан. Нурали аканг айтган экан.


«Алпомиш»да мароқли ҳордиқ

Самарқанд шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими тасарруфидаги «Алпомиш» ёзги дам олиш оромгоҳида айни пайтда 221 нафар ўқувчи мароқли ҳордиқ чиқармоқда.

Оромгоҳда болаларнинг таътил-ни мазмунли ўтказиши учун барча шароит яратилган. Тасвирий санъат, рақс, инглиз тили ва турли спорт тўғрақлари ташкил этилган. Шунингдек, ҳар бир кун алоҳида мавзу бўйича белгиланиб, мада-

ний-маърифий тadbирлар ўтказилмоқда. Оромгоҳнинг маънавият-маърифат маскани жорий мавсумда янги жиҳозлар ва бадий ҳамда сиёсий адабиётлар билан таъминланди.

ЎЗА фотомухбири
Алишер ИСРОИЛОВ олган суратлар.



Китоб бу — мўъжиза

Сергели туманидаги 300-ИДУМда ташкил этилган «Камалак» кундузги оромгоҳи. Турфа гуллар атрофга муаттар ҳид таратмоқда. Соя-салқинли довдарахтлар шивири, шунга монанд кўй-қўшиқлар жаранги. Болажонлар машгулотда: ҳунармандчилик, китоб муталааси, тасвирий санъат ва ҳоказо. Спорт мусобақалари ҳам қизғин ўтмоқда.

Yoz — o'tmoqda soz



— Оромгоҳимизда 130дан ортиқ ўғил-қиз ҳордиқ чиқармоқда. Болалар ҳар бир кунга белгиланган шior асосида машгулот, тadbир ва мусобақа иштирокчиси бўлаяпти. Яқинда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан ташкил этилган «Китоб бу — мўъжиза» тadbiri ўқувчиларда катта таассурот қолдирди. 6800дан зиёд китоб фондига эга туман ахборот-ресурс маркази доимо китобсеварлар билан гавжум. Шароит талаб даражасида. Шу боис, дам олувчиларимиз сони ортиб бормоқда, — дейди «Китобсеварлар» тўғараги раҳбари Матлуба Эшметова.

«Моҳир кўллар» тўғараги раҳбари Лейла Охунова, мусика тўғарагига бошчилик

қилаётган Меҳридин Мелиев, рақс сирларини ўргатаётган Зулфия Гизатулина, шахмат-шашка бўйича масъул Садоқат Расулованинг жонбозлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Улар бола қалбига йўл топишмаяпти.

— Набираларимдан кўнглим тўқ, — дейди Санобар ая Муҳиддинова. — Эрталаб кетади, кечга яқин хурсанд бўлиб қайтади. Тарбиячилар болани эркин ҳолатга қўйиб, назоратда ушлаб туришади. Овқатлар сифатли ва тўйимли. Энг муҳими, фарзандларимизнинг тарбиявий жараёнга жалб қилинганидир.

Дилдора ХУДОЙБЕРДИЕВА
Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган суратлар.



Ma'rifat

ТА'СИС
ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва о'рта maxsus
та'лим вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, fan va madaniyat
xodimlari kasaba uyushmasi
Respublika kengashi.

Бoш муharrir Abdusamat RAHIMOV

Gazeta Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida
2006-yil 22-dekabrda 0067-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Indeks: 149, 150. Г-624. Tiraji 35394.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3. Bahosi sotuvda erkin narxda.

TELEFONLAR:

qabulxona — 233-50-55;
kotibiyat — 233-99-15;
reklama va marketing bo'limi —
233-42-92(faks), 236-54-17.

ISSN 2030-6436



«Ma'rifat»dan
materiallarni ko'chirib
boshish tahririyat ruxsati
bilan amalga oshirilishi
shart.

Tahririyatga kelgan
qo'lyozmalar taqrib
qilinmaydi va muallifga
qaytarilmaydi.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi.
Korxonani manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

ЎЗА yakuni — 20.45 Topshirildi — 21.00

MANZILIMIZ:

100083, Toshkent shahri,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Web-site: www.marifat.uz

Dizaynerlar:

Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.

Navbatchi muharrir:

Akmal JUMAMURODOV.

Navbatchi:

Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

1 2 3 4 5 6